ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

7 июль, сешанба 1998 йил №79 (581)

Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

Ушбу сонда:

2 БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ НИМАГА ҚОДИР?

3 АДВОКАТ ҲУҚУҚИ

4 ЛОЙДАН ЯСАЛГАН ОШИҚ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

Акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида

Қалбаки ва сифатсиз алкоголли ҳамда тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва сотилишига йўл қўймаслик, акциз маркаларини қалбакилаштириш ва ғайриқонуний айлантириш учун жавобгарлик чораларини кучайтириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, акциз маркаларини қалбакилаштирганлик учун, шунингдек қалбаки акциз маркаларини сотганлик учун қалбаки пулларни ёки қимматли қоғозларни тайёрлаш ва сотиш каби ҳоллар учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 176-моддасида белгиланган жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги акциз маркаларини ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда фойдаланиш борасида белгиланган тартибга риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар, айбдор шахсларни жавобгарликка, ҳатто жиноий жавобгарликка ҳам тортсинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

бир ҳафта муддатда қонунчиликка ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин;

икки ҳафта муддатда тегишли вазирликлар ва идоралар билан бирга акциз маркаларни бошқа мақсадларда сотганлик учун, шунингдек уларни ноқонуний сотиб олганлик ва айлантирганлик учун аниқ жиноий жавобгарлик чоралари тўғрисида таклифлар киритсин.

4. «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида алкоголли маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг айланишига нисбатан давлат монополиясини кучайтириш ҳамда алкоголли ва тамаки маҳсулотлар сотишдан бюджетга тушумларни кўпайтириш борасидаги қўшимча чора- тадбирлар тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 21 майдаги 221-сон қарори 2-бандининг 1-хатбоши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Б.Мустафоев зиммаларига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 6 июль

Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги олдидан

Юбилейга тайёргарлик қизғин

Бутун мусулмон оламида таниқли аллома, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллик муборак таваллуди байрами тобора яқинлашмоқда. Юбилей муносабати билан ул зоти шарифнинг Самарқанд вилояти Челак тумани Хартанг қишлоғидаги абадий қўним топган масканида шарқона меъморчилик анъаналари асосида улкан ёдгорлик мажмуаси бунёд этилмоқда. Айни вақтда теварак-атрофни ободонлаштириш, йўлларни таъмирлаш, муҳандислик, коммуникация тармоқлари қуриш ишлари ҳам жадал бормоқда. Айрим мураккаб ишларни бажаришда чет эллик фирма ва компаниялар кўмаклашмоқда.

Юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоларидан бир гуруҳи ўтган шанба куни Самарқандда бўлди. Республика Бош Вазирининг биринчи ўринбосари, ташкилий қўмита раиси И.Жўрабеков бошчилигидаги бу гурух мазкур мажмуада ва бошқа объектларда олиб борилаётган ишларнинг кўлами ва сифати билан танишди.

Ташкилий қўмита йиғилишида республика вазирлик, концерн, идоралар, ташкилотлар раҳбарлари, вилоят ҳокимлиги ходимларининг бу борадаги ахборотлари тингланди. Амалга оширилган ишлар пухта таҳлил этилиб, галдаги вазифалар белгиланди. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш, барча қурилиш материаллари етарли бўлишини таъминлаш зарурлигига эътибор қаратилди.

Мутасадди раҳбарларга тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов, Самарқанд вилоят ҳокими А.Мардиев қатнашди.

Ҳамза ШУКУРОВ,
ЎзА мухбири.

ЕТТИ ИҚЛИМ ҲАФАСИ

ЧЕЧЕН ТЕРРОРЧИЛАРИГА МУРОЖААТ

Буюк Британия ҳукуматининг вакили Чеченистон телевидениеси орқали сўзга чиқиб, у ерда гаровда сақланаётган инглиз тутқинларини озод этилишини илтимос қилди. Ҳозир Чеченистон террорчилари томонидан икки нафар инглиз фуқароси Камилла Кар ҳамда Джин Жеймс тутқинликда ушлаб турилибди.

РОССИЯДА ЭНЕРГЕТИК ИНҚИРОЗ

Россиянинг Приморье ўлкасида энергетик инқироз юзага келди. Приморьедаги фақат битта Партизанск атом-электр станциясигина ишлаб турибди. Қолган станцияларда иш тўхтатиб қўйилган. Приморьедаги энергетик инқироз Россия ҳукуматини жиддий хавотирга солмоқда.

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Югославияда Америка Қўшма Штатлари, Россия ҳамда Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг Косово муаммосини тинч йўл билан ҳал этиш юзасидан халқаро дипломатик гуруҳи анжумани бошланди. Мазкур анжуман ишида Америка Қўшма Штатларининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги доимий вакили Ричард Холбрук иштирок этмоқда.

КУН ТАРТИБИДА: ЯҚИН ШАРҚ МОЖАРОСИ

Қоҳира шаҳрида Миср Президенти Ҳусни Муборак, Иордания Қироли Ҳусайн ва Фалластин Мухторияти раҳбари Ёсир Арофот ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув кун тартибида бир масала — Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш мавзуси муҳокама этилди. Томонлар Америка Қўшма Штатлари таклиф этган араб ерларининг яна 13 фоизини фаластиниликларга қайтариш режасини қўллаб-қувватладилар. Бироқ бу ташаббусга Исроил ҳукумати қаршилик кўрсатмоқда. Шунингдек, Миср, Иордания ва Фалластин раҳбарлари Исроилнинг Қуддус шаҳри ҳудудини яҳудийлар фойдасига кенгайтириш режасини қораладилар.

СОМАЛИДА ОЧАРЧИЛИК

Африкадаги Сомали давлати раҳбарлари халқаро ҳамжамиятга мурожаат этиб, мамлакат аҳолисига зудлик билан инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сўрадилар. Сомалида сўнгги беш йил ичидаги энг кучли қурғоқчилик туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари нобуд бўлган. Бугунги кунда Сомалининг ярим миллион аҳолиси очарчиликка юз тутган. Агар уларни қутқариш юзасидан тезкор чоралар кўлланилмаса, ҳалок бўлишлари мумкин.

ЖАЗОИРДА БАЙРАМ

Африкадаги яна бир давлат — Жазоирда эса миллий байрам кенг нишонланмоқда. Жазоир Мустақиликка эришганига 32 йил тўлди. Бугунги кунда Жазоир дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси. У дунёнинг кўпгина мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини тобора ривожлантиришга интилмоқда. Бироқ, Жазоирда авж олиб кетган халқаро террорчилик ва уюшган жиноятчилик жаҳон мамлакатларини бу давлат билан ҳамкорлик қилишига тўсиқ бўлиб турибди.

Жаҳон ахборот агентликлари хабарлари асосида

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг РАЁСАТИДА

Федерация кенгаши Раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг раиси Д.Жаҳонгирова олиб борди.

Мажлис касаба уюшмалари Фарғона вилоят кенгашининг Федерация кенгаши мажлисида 1996 йил декабрда касаба уюшмаларининг меҳнаткашларни маънавий ва маданий тарбиялашдаги ўрни ва вазифалари тўғрисида қабул қилинган қарори бажарилишининг ташкил этилишига доир ҳисоботини кўриб чиқди. Асосий эътибор Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Маънавият ва маърифат» республика жамоатчилик маркази раҳбарияти билан бўлган учрашувда билдирган тавсияларини амалга ошириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларни юксак маънавийлик, ватанпарварлик, маданий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилди.

Бухоро вилоят касаба уюшмалари кенгашининг нодавлат сектордаги корхоналарда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги иши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Касаба идораларининг меҳнат мусобақаларини тиклаш, кам таъминланган оилаларга бевосита ёрдам кўрсатиш, аёллар меҳнатини ҳимоялаш борасидаги ибратли тажрибалари таъкидланди.

Шу билан бирга раёсат нодавлат секторда иш ҳақи тўловлари бўйича қарзлар камаймаётганлигини, меҳнат қонунлари талабларига риоя этиш сустлиги, акцияларни дастлабки тақсимлашда нуқсонлар юз берганлиги ва бошқа бир қатор камчиликларни кўрсатиб ўтди. Жамоа шартномалари ва битимларнинг бажарилишига эришиш касаба идораларининг асосий вазифаси эканлиги таъкидлаб кўрсатилди.

Қашқадарё ва Навоий вилоятлари касаба уюшмалари кенгашларининг меҳнаткашларни санаторий-профилакторийларда соғломлаштириш борасидаги иши тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш чоғида мажлис асосий эътиборни бу борадаги мавжуд камчиликларга қаратди. Бу масала юзасидан қабул қилинган қарорда санаторий-профилакторийлар ишини тубдан яхшилаш, уларда меҳнаткашларни соғломлаштириш самарадорлигини ошириш, даволашнинг янги услубларини кенг жорий этиш ва бошқа чора-тадбирлар кўзда тутилган.

Раёсат, шунингдек, касаба уюшмалари фаолиятининг бошқа бир қатор масалаларини ҳам кўриб чиқди. Чунончи, болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдиришнинг бориши, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини энг яхши ташкил этганлик учун кўрик-танловнинг якунлари, «Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари муҳарририятини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги масалалар шулар жумласидандир.

Мажлис муҳокама қилингач барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

Дўстлик туманида янгича иш юритиб, мўл қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштираётган тадбиркор-фермер хўжаликлари талайгина. Бундай хўжаликлар сарасига Аҳмад Қулбеков номли ижара ширкат бирлашмасига қарашли «Шодик» мустақил деҳқон-фермер хўжалигини ҳам киритиш мумкин.

Деҳқон-фермер хўжалиги бу йил 50 гектар ерда ғалла етиштирди. Ҳар гектар ердан 30 центнердан хирмон кўтариш мўлжаллаб турилибди. 50 гектар майдондаги пахтадан эса 140 тонналик хирмон уйиш режаланган. Хўжалик аъзолари 45 бош қорамол, 15 бош қўй, 5 бош отни ҳам парвариш қилишмоқда. Бир сўз билан айтганда хўжаликда иш ниятга яраша ташкил этилмоқда.

Суратда: фермер хўжалиги бошлиғи Годой ҳожи Шодиев оила аъзолари билан

Б.ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

РЕСПУБЛИКА БИРЖАЛАРИДА

Тошкент республика қимматли қоғозлар биржасида бўлиб ўтган оддий акциялар савдосида 44 та ҳиссадор жамиятлар қатнашди. Улар ўзларининг сотилган акциялари эвазига - 133,7 миллион сўмлик маблағга эга бўлди. Савдо давомида энг яхши самарадорликка «Қашқадарё технолог транспорт» ҳиссадорлик жамияти эришди. Бу жамият ҳам 63,2 мингта акцияларини 18 миллион сўмга сотилишига эришдилар. Таъкидлаш лозимки, шу жараёнда 48 та брокерлик идоралари қониқарли фаолият кўрсатдилар. Йил бошидан-855,7 миллион сўмлик оддий акциялар сотилди.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиалларида ўтган ҳафтада 41 маротаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 20 таси кимошди, 21 таси биржа савдоларидир.

Сармоядор юртдошларимиз, ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга, хорижлик тадбиркорларга уй-жой қуриш учун ер майдонлари, қурилиши тугалланмаган бинолар, банкрот бўлган корхоналар мулклари, ўрта ва кичик корхоналар, савдо ва маиший хизмат иншоотлари, уй-жой, «Ўзгўштсутсаноати» уюшмаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзмевасабзавотхолдинг» компанияси тасарруфидаги кўчмас мулклар, автоуловлар бошқа бир қанча мулклар таклиф қилинди.

Ҳафта давомида 416 та турли кўчмас мулклар ишбилармонлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 74 млн. 453 минг сўмдан иборат бўлди. Шундан ҳафта давомида кимошди савдолари орқали 310 та мулк 20 млн. 233 минг сўмга сотилган бўлса, биржа савдолари орқали эса 106 та объект 54 млн. 219 минг сўмга сотилди.

Мазкур ҳафтада сотилган объектлар сони бўйича Фарғона вилояти филиали биринчи ўринни эгаллади.

Сотув пули бўйича эса биринчи ўринга биржанинг Тошкент шаҳри филиали чиқди.

Ўтган ҳафтада кўчмас мулк биржасида сотилган объектларнинг бошланғич нархига нисбатан сотилиш баҳосининг ошиши умумий ҳисобда 1,15 баробарни ташкил этди.

КУН ТАРТИБИДА: СПОРТ СОҒЛОМЛАШТИРИШ

«Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг III Қурултойида

Мустақил ривожланиш йўлидан ишонч билан олга бораётган Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Касаба уюшмаларининг оммавий-жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш борасидаги саъи-ҳаракатлари ҳам бундан холи эмас. «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг III қурултойида мана шу ўзгаришлар, оммавий спорт ҳаракатини янги шароитга мос равишда ривожлантириш масалалари теварагида атрофлича фикрлашиб олинди, Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Фармони асосида бу ҳаракат қўламларини кенгайтириш, уни янги сифат даражасига кўтариш вазифалари белгилаб чиқилди.

Қурултой мазкур жамият Марказий Кенгаши раиси В.Бойконинг ҳисобот давридаги фаолиятига доир маърузасини тинглади. Жамият Тафтиш комиссияси раиси Қ.Нўъмонов ҳам ҳисобот маърузаси билан чиқди.

Қурултойда шу нарса ифтихор билан таъкидландики, ҳисобот даврида халқ хўжалиги тармоқлари спортчиларининг анъанавий мусобақалари «Саломатлик» республика спартакиадалари, талаба ёшларининг спорт белашувлари, ногиронлар спартакиадалари, фахрийларнинг спорт ўйинлари, қишлоқ хотин-қиз спортчиларининг баҳслари, футбол бўйича йиллик «Оқ олтин» ўйинлари пухта тайёргарликлар ва зўр уюшқоқлик билан ўтди. Бу мусобақалар ишчилар, деҳқонлар, талабалар ва аҳоли бошқа қатламларини жисмоний тарбия машқлари ва спорт машғулотларига тобора кенг жалб этиш йўлини очди.

Лекин бу имкониятлардан ҳамма ерда ҳам самарали фойдаланилаётирми? Спорт тадбирлари даражаси ҳамиша ҳам юқори бўлаяптими? Ларда меҳнаткашлар, талабалар, болаларнинг иштироки даражаси чин маънода оммавийми?

- Йўқ!-дейишди қурултой қатнашчилари. Масаланинг энг муҳим жиҳати ёлғиз жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг ўзи бу вазифаларни уддалашга қодир эмаслигида. Бу борада касаба уюшмалари алоҳида ташаббускорлик кўрсатишлари, оммавий жисмоний тарбия ҳаракатини ривожлантиришда турли жамоат ташкилотлари, давлат идоралари, жамғармалар билан чинакам шерикчилик асосида иш олиб борилиши керак.

Дастлабки тажрибалар қурултой иштирокчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Чунончи, «Локомотив», «Пахтакор», «Наврўз», «Машъал» сингари бир қатор жисмоний тарбия-соғломлаштириш спорт клублари бугунги бозор муносабатлари шароитида мақсадга энг мувофиқ ва оқилона таркибий тузилмалар бўлиб қолмоқда. Улар қисқа муддатда ўнлаб саломатлик спартакиадалари, теннис, футбол ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказишди. Тармоқ касаба уюшмалари Марказий қўмиталари вазирликлар ва хўжалик идоралари билан ҳамкорликда маблағларни марказлаштириб, малакали тренерлар, спорт мактаблари ўқитувчилари меҳнат шароитларини яхшилаш, малакали спортчиларни тайёрлашга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Ҳисобот даврида малакали спортчи ўринбосарларни тарбиялаб етиштириш диққат марказида бўлди. Ҳозир болалар ва ўсмирларнинг 113 та спорт мактаби бўлиб, 30 мингдан ортиқ ўсмир спорт соғломлаштириш машғулотларида қатнашмоқда. Шундай мактабларнинг ўттизтасида олимпия мусобақаларини кўзлаб, спортчиларни етиштириш йўлга қўйилган. Бугун шуни таъкидлаш жоизки, сув спорти, чавандозлик, қиличбозлик, велоспорт, альпинизм ва қояга чиқиш сингари бир қатор спорт турлари бўйича мамлакатимиз терма миллий командаларининг ярмидан кўпроқ спортчиларини касаба спорти тарбияланувчилари ташкил этади. Биз спортчиларимиз Иван Киреев, Андрей Колганов, Владимир Казанцев, Анатолий Тюрин сингари касаба спортчилари турли халқаро ва минтақавий мусобақаларда қозонган ёрқин ғалабалар билан ҳақли равишда фахрланамиз. Касаба уюшмалари спортида шуғулланиб вояга етган Лина Черязова Олимпия чемпиони бўлди. «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти альпинизм клуби тарбияланувчиларидан 11 киши Ўзбекистон тарихида биринчи маротаба Эверест чўққисига кўтарилди.

Лекин қурултойда кўпроқ ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар теварагида фикр юритилди. Чунончи, малакали спорт устозлари ўқитувчилар камайиб бормоқда, разрядчи спортчилар тайёрлашда жиддий камчиликлар пайдо бўлмоқда. Спорт мактабларининг молиявий аҳволи танг, натижада ўқув-машқ машғулотларининг савияси пасайиб бормоқда. Қишлоқ туманларида спорт мактаблари деярли йўқ.

Қурултойда касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти Уставининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди. Унга бугунги касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва нуфузидан келиб чиқиб, бир қатор қўшимчалар киритилди. Чунончи, барча бўғинларда жамият раислигига касаба идоралари раҳбарларини сайлаш белгилаб қўйилган. Бу жисмоний тарбия ва спорт жамиятининг роли ва нуфузини беқиёс оширади.

Қурултойда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси И.Абдуғаниев, Нукус университетининг кафедра мудири Ю.Кулаков, республика махсус спорт мактабининг директори К.Шокиржонова, Олимпия чемпиони Л.Черязева, касаба уюшмаларининг Наманган вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Р.Деҳқонова ва бошқалар сўзга чиқишди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгашининг раиси Д.Жаҳонгирова ва Ўзбекистон Давлат спорт қўмитасининг раиси Б.Махситов нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси ўринбосари М.Расулов «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий Кенгашининг раиси, Б.Тожиев Марказий Кенгаш Котибиятининг раҳбари қилиб сайландилар.

Ўзбекистонда Тожикистон кунлари якунланди

Мамлакатимизда бир ҳафта давом этган дўстлик шодиёналари - Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси кунлари якунланди. Бу тадбир, айтиш мумкинки, истиқлолга эришган икки мамлакат халқлари ўртасидаги азалий дўстликни янги мазмун билан бойитди ва янада мустаҳкамлади.

Меҳмонлар республикамиз пойтахтида, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё вилоятларида бўлиб, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ишлари билан танишдилар, жаҳонда тенги йўқ тарихий ва меъморий обидаларни кўздан кечирдилар. Ишлаб чиқариш жамоаларида, дала меҳнаткашлари хузурида бўлдилар. Самимий учрашувлар чоғида икки халқ ўртасидаги дўстликни тараннум этувчи куй ва қўшиқлар шўх рақсларга уланиб кетди.

«Туркистон» саройида мамлакатимизда Тожикистон Республикаси кунларининг ёпилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев ҳамда Тожикистон Республикаси маданият ва ахборот вазири Бобохон Маҳмадов мазкур байрамнинг аҳамияти тўғрисида гапириб, икки мамлакат Президентларининг ташаббуси билан ўтказилган бу муҳим тадбир нияти эзгу ва муштарак халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамкорликнинг самараси эканлигини, у ўзбек-тожик маданияти тарихига янги саҳифа бўлиб ёзилганини таъкидладилар.

Кеча қатнашчилари учун Ўзбекистон ва Тожикистон санъаткорлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ўткир Раҳматов, Бош вазир ўринбосари Алишер Азизхўжаев қатнашди.

* * *

Тожикистонлик меҳмонлар Тошкент аэропортида анъанавий карнай-сурнай садолари остида самимий кузатиб қўйилди. Меҳмонлар билан хайрлашиш учун бу ерга маданият, санъат, адабиёт намоёндалари, театр арбоблари, жамоатчилик вакиллари тўпланишди. Дўстона гурунг давомида иккала халқ вакиллари тез орада яна дийдор кўришишга умид билдирдилар. Маросимда Ўзбекистон маданият ишлари вазири Хайрулла Жўраев, Тожикистон Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Тожиддин Мардонов иштирок этди.

/ЎзА/

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 7 июлдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	58,42
1 Австрия шиллинги	7,44
1 Англия фунт стерлинги	156,41
10 Бельгия франки	25,37
1 Голландия гульдени	46,42
10 Греция драхмаси	3,13
1 Дания кронаси	13,74
1 БАА дирхами	25,89
1 АҚШ доллари	95,10
1 Миср фунти	27,95
1 Ирландия фунти	131,55
1 Исландия кронаси	1,32
10 Испания песети	6,17
100 Италия лираси	5,31
1 Канада доллари	64,75
1 Хитой юани	11,49
1 Кувайт динори	314,38
100 Ливан фунти	6,30
1 Малайзия рингтити	22,75
1 Германия маркаси	52,32
1 Норвегия кронаси	12,26
1 Польша злотийси	27,37
10 Португалия эскудоси	5,13
1 Сингапур доллари	55,48
1 СДР	126,23
1000 Туркия лираси	0,35
1 Финляндия маркаси	17,23
1 Франция франки	15,61
1 Швеция кронаси	11,76
1 Швейцария франки	62,16
1 ЭКЮ	103,52
10 Жанубий Корея вони	0,71
10 Япония иенаси	6,77
1 Россия рубли	15,33
1 Украина гривнаси	45,99
1000 Беларусь рубли	2,50
1 Латвия лати	158,76
1 Литва лити	23,78
1 Молдава лейи	20,04
1 Киргизистон соми	4,94

***/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

Ҳурматли муштарийлар! Йилнинг иккинчи ярми учун «Ишонч»га обуна бўлишни унутманг!

Касаба уюшма ҳаёти

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ НИМАГА ҚОДИР?

Ҳозирги босқичда бу саволга аниқ жавоб бериш ва жавобни амалий ишлар билан мустаҳкамлаш жуда муҳимдир. Бир жиҳатдан ривожланиш айни мана шунга ҳам боғлиқ. Чунки ижтимоий масалаларнинг ҳал этилиш даражаси меҳнат жамоасининг кайфиятига, меҳнат муносабатига бевосита таъсир қилади. Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялашнинг асосий масъулияти эса касаба уюшмаларига, хусусан бошланғич ташкилотлар зиммасига юклатилган. Бу борада намунали иш олиб бораётган бошланғич касаба уюшма ташкилотлари Самарқандда анчагина. Қуйида айрим ана шундай бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳақида сўз юритамиз.

Қайта ишлаш корхоналари сирасига кирадиган «Баҳодир» савдо ишлаб чиқариш тайёрлов ҳиссадорлик жамиятида касаба уюшма ташкилоти иши, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш яхши йўлга қўйилган. Корхонада доимий ишлайдиган 160 киши мавжуд. . Мева-сабзавотни қайта ишлайдиган, қуруқ мева маҳсулотлари тайёрлайдиган мазкур корхонада иш хусусиятига кўра меҳнатни муҳофаза қилишга, санитария-гигиена қоидалари тўла бажарилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Аниқроқ айтганда, корхонанинг барча ишлаб чиқариш бўлинмаларида маиший-маданий шароитлар яратилган. Ишчилар махсус кийим билан тўлиқ таъминланган. Эътиборлиси шундаки, бу каби масалалар меҳнат шартномасида ҳам ифодаланган. Муҳими, ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари корхона бошланғич касаба уюшма ташкилотининг иш режасида ва фаолиятида асосий ўрин эгаллайди.

- Кейинги икки йилда иш шароитини яхшилаш мақсадида корхонада катта ишлар қилинди, - дейди бошланғич касаба уюшма ташкилоти раиси Қудрат Бобоев. -Барча шарт-шароитларга эга дам олиш уйи, фин усулида қурилган ҳаммом ишчилар ихтиёрига берилди. Корхонани янги мавсумга тайёрлаш жараёнида биринчи навбатда ошхона, дам олиш хонаси, гигиена хонаси каби маданий-маиший хоналарни таъ-мирлашга, махсус кийимлар олинишига эътибор қаратилди. Бу тадбирлар учун маъмурият етарли маблағ ажратмоқда. Бир сўз билан айтганда, корхонада жамоа шартномасининг асосий бандлари тўлиқ бажарилишига эришилаяпти.

Корхонада бўлганимизда бир нарсадан жуда қувондик. Дарвозадан киришдаёқ энг кўринарли жойда касаба уюшма ташкилотининг фаолиятини ифодаловчи ёзувларга кўзингиз тушади. Жумладан, бунда ишлаб чиқариш бўлинмалари ўртасидаги мусобақа, спорт ва маданият тадбирлари билан танишиш, туғилган кунга оид табриклар, дам олишга чорловчи эълонлардан воқиф бўлиш мумкин. Бу каби ошкоралик бошланғич ташкилот ва корхона ҳаётида ҳар бир ишчи фаол қатнашаётганидан далолат беради.

-Жамоа аъзоларининг меҳнат фаоллигисиз ишлаб чиқаришда кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бунинг учун эса ишчиларга ғамхўрликни муттасил кучайтириш зарурлигини тушунамиз. Шу боис касаба уюшма ташкилоти билан яқин ҳамкорликда иш юритаяпмиз. Ижтимоий ҳимоя масалалари ҳал этилиши эса ишлаб чиқариш ривожланишига, даромаднинг ўсишига боғлиқ,-дейди «Баҳодир» ҳиссадорлик жамияти раиси Олим ака Боқиев.- Маҳсулот тўлиғича вилоятдаги хўжаликлардан олинса-да, қайта ишлаш жараёнида зарур бўладиган хомашё, турли идишлар, ёрдамчи воситалар қўшни вилоятлардан, ҳатто чет мамлакатлардан келтирилади. булардан олдиндан захира қилиб оладиган бўлдик. Натижада мавсумда мажбурий танаффусларга чек қўйилди, барқарорликка эришилди. Бу йил корхонани лойиҳа қуввати даражасида тўлиқ ишлатишни мўлжаллаяпмиз. Ҳозирги вақтда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 60-65 фоизи мустақил ҳамдўстлик мамлакатларига жўнатилмоқда. Халқаро бозорга кўпроқ маҳсулот чиқариш учун эса икки муаммо ҳал этилиши зарур. Биринчидан, ҳозирча шиша банкалар етишмаяпти. Шу боис чет элдан 700 минг дона жаҳон андозаларига мос банка келтирилди. Иккинчидан, хўжаликлар бизга топшираётган маҳсулот андозаларга тўлиқ мос эмас. Бу икки масаланинг ҳал этилиши катта имкониятлар очади. Айни вақтда биз италияликлар билан қўшма корхона ташкил этиш бўйича иш олиб бораяпмиз. Умума ташкилотлари мавжуддир. Бу ҳақда сўз очилганда Жомбой туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси фаолиятига тўхталмоқ керак.Хўжаликнинг янги раҳбари Ваҳоб Хўжақулов иш бошлагандаёқ бу масалаларга катта эътибор қаратди. Шу туфайли касаба уюшма қўмитасининг фаолияти ҳам яхшиланди. Жамоа шартномаси пухта ишлаб чиқилиб, унинг бандлари бажарилиши таъминланмоқда. Шу туфайли 1997 йилда хўжалик аъзоларининг даромадлари ошди, моддий манфаатдорлиги яхшиланди. Шу вақтгача иш ҳақидаги мавжуд бўлган қарзлар кескин камайтирилди. Айни вақтда иш ҳақини тўлиқ ўз вақтида тўлашга ҳаракат қилинмоқда. Хўжаликнинг мутасаддилари ва тармоқ раҳбарлари касабақўмга ахборот, ҳисобот бериши йўлга қўйилди. Касабақўм таклифи, ташаббуси билан муаммолар ҳал этилаётгани касабақўмнинг обрўсини оширмоқда. Натижада меҳнаткашлар турли масалаларда касабақўмга мурожаат қилишаётир. Масалан, ўтган йили касабақўмда ҳал этилган масалалардан иккитаси айниқса эътиборга лойиқ. Бу мурожаатларнинг бири қўшимча иш ҳақини ундириш, иккинчиси нотўғри бўшатилган ходимни ишга тиклаш ҳақида эди. Касабақўм аралашувидан кейин, хусусан касабақўм раиси Жонгул Баҳриеванинг қонуний талаби билан бу масалалар ижобий ҳал этилди.

Касаба қўмитасининг асосли таклифлари, ўринли талаби билан хўжалик аъзоларининг кам таъминланганларни моддий қўллаб-қувватлаш тадбирлари изчил амалга оширилмоқда. Хўжалик имкониятларига кўра имтиёзлар ҳам белгиланаяпти. Айтайлик, янги жамоа шартномасида хўжаликда кўп йил ишлаб пенсияга чиққан кексаларга хўжалик ҳисобидан қўшимча пенсия тайинланмоқда. Қўшимча пенсия миқдори энг кам иш ҳақининг 2 бараваригачани ташкил этади. Ҳозир уч киши ана шу имтиёздан баҳраманд бўлмоқда. Касаба қўмитаси раиси Ж.Баҳриева бизни бошқарувга тақдим этишга тайёрлаб қўйилган бир қанча янги таклифлар билан таништирди. Булар бошқарув томонидан қабул қилинса, хўжалик аъзоларини ижтимоий ҳимоялаш, манфаатдорлигини таъминлаш янги босқичга кўтарилади, албатта.

Юқорида айтилган ҳар иккала меҳнат жамоасида бўлиб, ишлар билан танишганимизда касаба уюшма ташкилоти фаолиятининг самараси етакчиларнинг қатъиятига, жонкуярлигига бевосита боғлиқлигига қаттиқ ишондик. Касаба уюшмасининг мавқеи ҳам шу билан белгиланиши шубҳасиз.

Р.ҚУРБОНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Алишер Навоий номли ширкатлар уюшмаси 200 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ғалла олишга азму қарор қилишган. Айни кунларда уюшмада ғалла ўрими қизғин бораётир.

Суратда: ширкатлар уюшмаси раиси Абдураззоқ Оғабеков (ўртада) ижарачи-ғаллакорлар Шомил Нуриддинов ва Рустам Мамаюсупов билан ҳосил чўғини кўздан кечираётир.

Ҳусанбой АВВАЛОВ олган сурат.

ДЕҲҚОНЛАРГА БЕПУЛ ТУШЛИК

Янгиқўрғон туманидаги Тўйчи Неъматов номли ширкатлар уюшмасининг экинзорлари адирликларга туташиб кетган. Бинобарин, бу ерда ҳосил етиштириш осонликча кечмайди. Ҳар йили неча бор экинларни қайта-қайта экишга тўғри келди. Бу йил ҳам баъзи далаларда уруғни уч мартадан экишга тўғри келди. Шунга қарамасдан боғбон ва сабзавоткорларнинг, мардановор меҳнати туфайли мўл ҳосил олиб келинмоқда. Жумладан, амалдаги йилда 335 гектар майдонда ғалла, 165 гектар ерда пахта, 45 ерда картошка ва бошқа экинлардан, жами 747 гектар майдонда деҳқончилик қилинмоқда.

Уюшма бошқаруви ва касаба уюшма ташкилоти далада ишлаётганларнинг унумли меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитни муҳайё этишга ҳаракат қилмоқда. Мавжуд 14 дала шийпони баҳор бошланмасиданоқ деҳқоннинг иккинчи уйига айлантирилган. Муҳими, ширкат касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида тузилган жамоа шартномасига кўра ўтган йилдан эътиборан далада ишлаётганларга бепул тушлик ташкил этилмоқда. Бунинг учун ҳар бир бригада дала шийпони олдидан бир гектардан шу мақсадга мўлжаллаб ер ажратиляпти. Бригада томорқаси, деб айтиладиган бу майдонга овқат тайёрлаш ҳамда тушлик маҳалида истеъмол қилиш учун асқотадиган кўпгина экин турлари етиштирилаяпти. Деҳқон томорқасида одамга куч-қувват бағишлайдиган кўк пиёз, ош кўки, укроп ва бошқа дармондорилардан тортиб картошка ва помидоригача, сабзидан тортиб карамгача ўстириляпти.

- Булардан ташқари барча бригадамиз дала шийпони қошида икки бошдан қўй ва бир бошдан мол боқишни йўлга қўйганмиз,-дейди суҳбатда ширкатлар уюшмаси бошқарувининг раиси Ғофиржон Ҳакимбоев.- Қўйлар бригада томорқасидан келган даромад ҳисобига сотиб олиниб, эҳтиёжга қараб сўйиб борилади. Сигир эса хўжалик фермасидан берилади. Сути бригада қошидаги кўчма боғча-ясли ҳамда парҳез таом истеъмол қилувчилар эҳтиёжига сарфланади. Кузда эса қайтадан фермага топширилади. Бу усул икки томонлама фойда: биринчидан бригада эҳтиёжини қопласа, иккинчи томондан ферма учун анча нарсани иқтисод қилиш имконини бермоқда. Шунингдек, биз қишлоқларимиз худудидаги боғча-яслиларда меҳнаткашларимизнинг фарзандлари тарбияланишлари учун кетадиган ҳаражатларни зиммамизга олганмиз.

Хўжалигимиз қошида очилган кичик корхоналар ҳам деҳқонларимиз турмуш фаровонлиги учун хизмат қилмоқда. Чорвачилик фермамизда етиштирилган маҳсулот қайта ишланиб пишлоқ, сузма, сир каби маҳсулотлар тайёрланмоқда. Улар болалар боғча-яслиларига, одамлар истеъмолига берилади.

Мазкур ширкатлар уюшмаси маъмурияти ва касаба уюшмасининг ҳамкорликда, бир ёқадан бош чиқариб меҳнаткашлар ҳақида қилишаётган ғамхўрликлари бозор муносабатларига ўтиш босқичининг вақтинчалик қийинчиликларидан муҳофазалашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

О.ЖУМАНАЗАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

КАСАБА ФАОЛЛАРИ ЎҚУВИ

Янгича ижтимоий-иқтисодий муносабатлар шароитида касаба уюшмалари меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти мавқеини сақлаб қолиб, аввало, меҳнаткашлар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашни ҳар томонлама кучайтиришга, касаба ташкилотлари фаолиятида демократик жараёнларни чуқурлаштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу эса кўп жиҳатдан касаба фаолларининг билимларини ҳар томонлама оширишни тақозо этмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон республикаси Президенти ҳузуридаги давлат ва жамият қурилиши академиясида республика касаба уюшмалари раҳбар ходимларининг ўқуви бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашларининг ҳамда касаба уюшмалари тармоқ Марказий қўмиталарининг раислари иштирок этишди. Ўқувда «Бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асослари», «Давлат мулкини хусусийлаштириш муаммолари», «Солиқлар ва солиқ сиёсати», «Бозор иқтисодиётида хусусийлаштириш муаммолари», «Диний ақидапарастлик ва унга қарши кураш» мавзуларида лекция ва суҳбатлар ўтказилди.

Р.НЕЪМАТОВ.

Ёз - соз ўтсин

УЧ МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД

Андижон вилоятидаги 32 та болалар стационар оромгоҳлари касаба уюшмалари ва ҳомий ташкилотлар куни билан мавсумга ҳозирланди. Вилоят марказий банкига қарашли «Қуёшча» вилоят электр тармоқлари бошқармасига қарашли «Энергетик» тиббиёт ходимлари касаба уюшмалари вилоят қўмитаси тасарруфидаги «Шифокор» вилоят нефть ва газ бошқармасига қарашли «Дўстлик», Баликчи туманидаги Й.Охунбобоев номли, «Дилором», Жалолқудуқ туманидаги «Ж.Нурматов» номли, вилоят автотранспорт ва йўл бошқармаларига қарашли «Автомобилчи» оромгоҳларидаги тайёргарлик ишлари айниқса ибратли бўлди.

Бундан ташқари вилоятдаги 30 та мактаблар қошида ҳам кундузги оромгоҳлар ташкил этилиб, уларда мавсум давомида 10000 нафар ўқувчиларнинг дам олиши режалаштирилган.

Шунингдек, вилоят хўжаликлари бўйича 15 та «Меҳнат-роҳат» оромгоҳлари тузиш ва уларга 4500 нафар қишлоқ ёшларини қабул қилиш кўзда тутилган. Бу йилги ёзги мавсумда вилоят бўйича 27800 нафар ўғил-қиз турли оромгоҳларда ҳордиқ чиқарадилар.

Шундай қилиб, вилоятнинг хушманзара гўшаларига жойлашган оромгоҳлар фаолияти бошланди. Вилоят бўйича 3 мингдан зиёд ўғил-қизлар биринчи навбатда ҳордиқ чиқармоқдалар.

Ш.НЕЪМАТОВ.

Гул ишқида

Очиқ турдаги Жиззах пластмасса ҳиссадорлик жамияти маъмурияти касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда шилаётгани яхши самара бераётир. Жамият жамоаси меҳнат муҳофазаси техника хавфсизлигини таъминлаш иш ҳақларини вақтида бериш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Бунда қўмита раиси Аҳрор Ҳасанбоевнинг талабчанлиги қўл келмоқда.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

Енгил саноат корхоналарида

ЮТУҚЛАРДАН ҚУВОНСИН ДИЛЛАР

Суратда: фабрика бош муҳандиси А. ҚУРБОНОВ ишчилар даврасида.

Эл корига камарбаста бўлганлар кўп югур-югурлардан сўнг Жарқўрғонда ип-йигирув фабрикаси қурилишига рухсат олишди. Қўлида бутун ҳужжатлар тахт бўлган эсада, туман ва вилоятнинг нуфузи баланд айрим раҳбарлари иккиланиб туришди. Охири халқнинг қистови билан ишга киришишди. Ана шу корхонанинг пойдевори ташланиш кунидан бошлаб, Ёқуб Маҳмудовга, ўзинг пиширган ошингни ўзинг еявер, дегандай бутун оғирликни унинг зиммасига юклади. Туман марказининг чекка қисмида қурилиш ишлари бошланди. Ажратилган 6 гектарлик майдонда кўркам бинолар пайдо бўлди. Россиянинг турли шаҳарларидан ип-йигирув дастгоҳлари олиб келиниб ўрнатилди. Энди гап фақат ишда қолган эди. Ишнинг ўзидан кўра кўзини яхши биладиган Ёқуб Маҳмудов директор бўлди. Лекин ишчи кучи тўплаш ҳа деганда ҳал бўлавермади. Ишга кирган қиз-жувонлар мавжуд техникаларни кўнгилдагидай ишлата билмасди. Барчанинг боши қотди. Бир томондан ишчи кучи кам, иккинчи томондан эса борлари ҳам уқувсиз. Нима қилиш керак? Ёқуб Маҳмудов ҳаммага очиқчасига деди:

Суратда: фабрика ишчиси О. ЎРОЗОВА.

1991 йилнинг сентябри... Ўзбекистон Мустақил бўлди. Барча-барча юрт орини оладиганлар қувонди. Лекин буёғи нима бўлади. Жарқўрғонда биргина бугунги «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамияти фойда билан ишлаётган эди. Ишлаб чиқаришнинг кўп тармоқларида ишлар маблағ етишмаслиги сабаб яхши кетмади. - Ана шундай оғир даврларда, мустақиллиқнинг дастлабки йилларида «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг кўпгина асбоб-анжомлари янгиланди. Жамоа хўжаликлари, турли ишлаб чиқариш корхоналаридан йиллаб ойлик маошларини ололмай қолган ишчи ва хизматчилар вилоятимизда энг катта қувват ва фойда билан ишлаётган шу фабрикадан иш излашди. Уларнинг кўпини аризаси эътиборга олинди. Бугун ҳиссадорлик жамиятининг 1600 нафар ишчи-хизматчилари бўлиб, уларнинг 1143 нафари хотин-қизлардир. Улар 4 та цехда ишни кеча-кундуз ташкил этишган. Бу даргоҳда ишларнинг «беш» бўлишининг сабабларидан бири йирик корхона раҳбарининг ишни қойилмақом қилиб ташкил қилишида. Қолаверса, ҳар бир ишчисини ижтимоий ҳимоя қила оладиган касаба уюшмаси қўмитаси раиси Олламурод Бердиқулов билан ҳамфикр бўлиб ишлашидадир. Ўзаро ҳамжиҳатлик ҳукмрон бўлган «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамияти ростдан ҳам Жарқўрғоннинг кўрки бўлди. Юртимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари кун сайин сезилиб, нақд пул камайиб бораётган кезларда ҳам «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг ишчи-хизматчилари иш ҳақини нақд пул билан олавердилар. Ана шундай ишгир, ишбилармон ва тадбиркор раҳбар Ёқуб Маҳмудовни яқиндагина «ўтириб» қолган Жарқўрғон туманини кўтариш учун вилоят раҳбарлари туман ҳокими этиб тайинлашди. Туманнинг янги раҳбари, «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг собиқ раиси бу ерга ўзи билан бутун азоб-уқубатларни бошдан кечирган, ишни бошқара биладиган Жумадулло Худойбердиевни раҳбар этиб тайинлади. Янги раҳбар ҳам ишни енг шимариб бошлаб юборди.

«Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг ишчи ва хизматчилари бугунги раҳбарларидан ҳам миннатдорлар. Ахир, ҳар бир ишловчи ўрта ҳисобда 6000-7000 сўм иш ҳақи олаётган экан. Эндигина иш бошлаганлар эса 3000-4250 сўмгача, катта, мўл тажриба тўплаган Валентина Климова, Гулбаҳор Ҳайдаровалар эса 12000-17000 сўмгача иш ҳақи олаяптилар.

Биз «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг янги раиси Жумадулла ака билан корхона цехларини айландик.

Цехлардаги ҳар бир дастгоҳга, унинг вазифаларига Жумадулло ака алоҳида-алоҳида тўхталди. Бир маромда «гуриллаб» ишлаётган дастгоҳлар ёнидаги йигит ва қизларга ҳавас билан боқамиз. Барчалари ўз иши билан банд. Шундай бўлгач, корхонанинг ишлари ривож топадида. Бунинг устига ҳар бир цехдаги дам олиш хоналарида яхши шароит яратилган. Кундалик газета ва журналдан тортиб телевизоргача бор. Корхонанинг ўз ошхонаси бўлиб, ишчи ва ходимларга арзонлаштирилган нархда 3 маҳал гўштли овқат тайёрлашади. Ёш болали хотин-қизларнинг ҳам хавотири йўқ. Чунки, корхонанинг 140 ўринли «Камалак» болалар боғчаси ишлаб турибди.

- Кўпчилик ходимимиз меҳнат таътилини дам олиш масканларида ўтказади. Бунга имкониятларимиз бор.

Суратда: тўқувчи Ш. БОБОНОЗАРОВА, касаба уюшма қўмитаси раиси О. БЕРДИМУРОДОВ.

- Кўрасизлар, ҳали вақтизамони келиб бутун Жарқўрғоннинг донғини таратадиган шу фабрика бўлади. Бунинг учун бутун ота-оналарга мурожаат қиламан. Фарзандларини ўқишга жўнатишсин. Бутун харажатларни биз кўтарамиз.

Шу-шу бўлди, кўп ёшлар иш ўрганиш учун Россиянинг тўқимачилик корхоналарига иш ўрганишга, таълим олишга кетдилар. Касб-корли бўлган йигит-қизлар Жарқўрғонга қайтишди. Ишга кирувчилар сони кун сайин ошиб борди. Иш унуми ва сифати ҳар кун назорат қилинарди. Собиқ Шўролар салтанатининг сўнгги йиллари оёққа турган бу фабрика Россиянинг енгил саноатига қарашли кўп фабрикаларидан икки-уч баравар ортиқ маҳсулот ишлаб чиқариб, катта ютуқларга эришди. Ишларнинг жонланганини кўрганлар, ўз вақтида фабрика қурилишига қарши бўлганлар энди Ёқуб акани олқишлашга тушишди.

Ютуқларимиз сабаб байрамларда ишлаб чиқариш илғорларига мукофотлар бериб бораяпмиз. Бундан ташқари «Тўқимачи» футбол жамоамиз ҳамда «Орзу» бадиий ансамблимиз бор. Фойдамиз ҳисобидан корхонамиз жойлашган Улуғбек маҳалласига моддий ёрдам кўрсатаяпмиз. Ногирон ва кўнгли яримларнинг бошини силаяпмиз, - дейди «Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Олламурод Бердиқулов.

«Сурхонтекстиль» ҳиссадорлик жамиятининг ҳали ишга туширилмаган имкониятлари кўп. Унинг ишчи ва хизматчилари давлатимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Шу боисдан ҳам республикамиздаги энг машҳур енгил саноат корхоналаридан бирига айланган.

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири
Н. АЛМУРОДОВ
олган сурат.

ҲУҚУҚИЙ САҲИФА

ИШ КЕРАКМИ, ГАП КЕРАКМИ?

ЧУМЧУҚ СЎЙИШГА ҚАССОБ ЗАРУРМИ?

Доно халқимизнинг ҳар бир мақол, ибораси заминида олам-олам мазмун мужассам. «Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин». Қаранг, қанчалар пурҳикмат фикр. Дарҳақиқат, ҳар ким ўз иқтидори даражасидаги касб-корга қўл урмоғи лозим. Акс ҳолда «қовун тушириб қўйиши», «қош қўяман деб кўз чиқариши» ҳеч гапмас. Буни кундалик ҳаётимизда бот-бот кўриб турибмиз.

... Суяги молия ишларида қотган, бошқа касбни сира тасаввур этмайдиган Омон Ражабов ҳақгўйлиги, камчиликларни рўйи рост айтиши билан вилоятнинг собиқ раҳбарларига ёқмай қолди. Улар нима бўлса ҳам бу «маданиятсиз, маҳмадона»дан қутилиш чорасини кўришди. «Ўйнашмагин арбоб билан...» деганларидек ишлар, аниқроғи ҳужум шунчалар тезлашиб кетдики... Баҳона ҳам дарҳол топила қолди. Қизи Наргиза оддий ишчи бўлиб хизмат қиладиган Қарши шаҳридаги «Саодат» хусусий дўкони устидан кўзғатилган «ишкал»га уни ҳам тиркашди. 1993 йил 19 мартда «Наргиза Ражабовага нисбатан жиноий иш кўзғатилганлиги учун унинг отаси Омон Ражабов эгаллаб турган вазифасидан - Қарши шаҳар солиқ инспекцияси бошлиқлигидан вақтинча четлаштирилсин ҳамда тергов ҳаракатлари тугагунга қадар вилоят солиқ бошқармасининг бош инспектори вазифасига ўтказилсин» деган буйруқ берилди. Яқдил жамоани вужудга келтирган ишбилармон раҳбарларидан ёмонлик кўрмаган, режаларни доимо ошириб адо этиб республикада танилган солиқчилар бу ноҳақликдан ёрдам сўраб кирмаган эшик, мурожаат этмаган ташкилотлари қолмади. Талабни ҳисобга олувчи ташкилот эса топилмадигина эмас, уларга «шикоятчилар» ёрлиғи ҳам ёпиштирилди. Кўпни кўрган, бундай воқеаларга гувоҳ бўлган О.Ражабов ҳеч кимга зорланмади. «Сабр таги олтин» қабилида иш тутди. Ниҳоят «саодат» дўконига оид жиноий иш якунланди. Ишонинг, Наргизани судга эмас, ҳатто терговга гувоҳ сифатида ҳам чақиришмади.

Масала тамоман ойдинлашиб, ким ҳақ, ким ноҳақлиги равшан бўлгандан кейин ҳам адолат қарор топмади. Аксинча, камситувлар, таҳдид янада кучайди, унинг гарданига ортилмаган гуноҳ қолмади. Қилдан қийиқ қидирилиб, айбни очишга устомон ҳуқуқшунослар, солиқчилар жалб этилди(Неча-неча йиллик ҳужжатларнинг тит-пити чиқарилди. Аммо «хато» топишни бизга қўйиб беринг» дея ишга киришган ман-ман деган мутахассилар ҳам бирон арзигулик хато тополмай бошларини қашиб кетишди.

Қорнигамас, қадрига йиғлаган «айбдор» ноҳақлик суякка бориб етгач судга мурожаат этишга мажбур бўлди. 1994 йил 14 июнда Тошкент шаҳар Шайҳантаҳур суди даъво аризасини кўриб, уни ўз вазифасига тиклаш тўғрисида қарор чиқарди. Раҳбарман дегани борки, ҳақиқатни тан олишни ҳоҳламади, норозилик билдиришди. Тошкент шаҳар суди ишни қайта кўриб, илгариги қарорни ўз кучида қолдирди. Республика Адлия Вазири, Олий суд раиси тегишли ташкилотларга О.Ражабовни ўз вазифасига тиклаш, суд ҳукмини ижро этиш қонун эканлиги ҳақида бир неча бор мурожаат этдилар. Афсуски, ана шундай эътиборли ташкилотларнинг мурожаатларига ҳам беписандлик билан қаралди.

Шу муддатда шаҳар солиқ инспекциясида ишлар ниҳоятда сусайди, режалар ўлда-жўлда қолди. Раҳбарларнинг бири парвоз этиб, иккинчиси қўнди. Бу ҳол ҳатто Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг эътиборига ҳам тушди. «Қарши шаҳар солиқ инспекциясида бир йилда раҳбарнинг уч марта алмашганини қандай тушуниш керак?» -деди юртбошимиз 1995 йил 29 ноябрда бўлиб ўтган халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари учинчи сессиясида сўзлаган нутқида. Эътироздан сўнг раҳбарлар алмашуви янада тезлашди. Республика давлат солиқ қўмитасида ҳам, вилоят ташкилотларида ҳам, «О.Ражабов ўрнига тикланмас экан, бу инспекцияда иш ҳам, тартиб-интизом ҳам бўлмайди» деб қайта-қайта такрорлашди-ю, масалани кўндаланг ҳал этадиган мард топилмади.

... Ва ниҳоят, республика давлат солиқ қўмитаси раҳбариятида ўзгариш бўлди-ю, уч йиллик сарсон-саргардончиликка нуқта қўйилди. Қўмита раисининг 1997 йил 26 сентябрдаги 552-сонли буйруғига асосан О.Ражабов шаҳар солиқ инспекцияси бошлиғи лавозимига тикланди. Кўкракка шамол тегди, ҳақиқат эгилди, аммо синмади, кеч бўлса ҳам адолат қарор топди.

Орадан озгина вақт ўтди. Хўш, нималар ўзгарди, қандай тадбирлар амалга оширилди? Ўзгаришлар натижаси нималардан иборат?

Иш, интизом бўшашиб кетган. Турли сабабларга кўра тажрибасиз, билимсиз, тасодифий ва баъзи нопок кишилар ишга жойлашиб олишган. Шу боис дастлаб ходимларни шаҳодат синовидан ўтказиш ҳақида бош қотирилди ҳамда солиқ интизомига нолойиқ кишилардан воз кечилди. Ташкилотларнинг бухгалтерия ҳисоботлари қайта кўриб чиқилди. Корхона, бозорларнинг раҳбарлари, бош ҳисобчилар, маҳалла оқсоқоллари, тадбиркорлар билан амалий семинар-кенгаш ўтказилиб, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари тушунтирилди ҳамда солиқ қонунчилигига қатъий амал қилиш талаб этилди. Дебитор ва кредиторлар, патта ва бошқа тўловларни ўз вақтида кирим қилиш, бу соҳадаги интизомга риоя этиш, бюджетга оид йиғимлар, тўлов хабарномаларини банк муассасаларига белгиланган муддатда тақдим этиш каби масалалар бўйича аниқ, муддатли тадбирлар белгилаб олинди.

Кейинги пайтларда савдосотиқ билан шуғулланадиган дўконлар, шаҳобчалар ниҳоятда кўпайиб кетган ва уларнинг айримлари номигагина бор. 6 ой давомида фаолият кўрсатмаган ҳамда давлатга, аҳолига фойда келтирмайдиган шаҳобчалар ёпиб қўйилди. Деҳқон бозорларида ин қуриб олган чайқовчиларга қарши кескин кураш бошланди. Икки ой мобайнида якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи 500 дан ортиқ фуқаро солиқка тортилди ва улардан давлат бюджетига 9986,4 млн. сўм ундириб олинди. Ғайри қонуний ҳаракат қилаётган, давлат қонунларини бузган ташкилот раҳбарлари, бош ҳисобчилар ҳамда фуқаролардан 300 дан ортиқ киши жаримага тортилиб, давлат ҳисобига 1,4 млн. сўмдан кўпроқ маблағ ундирилди. Тажриба ва натижа ҳали бу борада фойдаланилмаган имкониятлар жуда катта эканлигини кўрсатаяпти.

> • **Ҳақиқат эгилди, аммо синмади.**
> • **Интизом мустаҳкамланди. Тасодифий, нопок ходимлардан воз кечилди.**
> **Корхоналар, тадбиркорлар, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорлик йўлга қўйилди.**
> • **Дебитор, кредитор, боқиманда қарзлар сезиларли даражада камайди.**
> • **Икки ой давомида давлат ғазнасига бир миллиард сўмдан ортиқ маблағ ундирилди. Бу ўтган икки ойдагидан 300 миллион сўм ортикдир.**

Элимизда ҳамиша ҳам қарздорлик катта иллат сифатида қораланади. «Дарднинг бўлса ҳам, қарзинг бўлмасин», -дейди халқимиз. Афсуски, кейинги пайтларда дебитор, кредитор ва боқиманда қарзлар ниҳоятда кўпайиб, ишлаб чиқаришга ҳам, маориф, медицина, ижтимоий таъминот ташкилотларини ўз вақтида маблағ билан таъминлашга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Биргина Қарши шаҳрида боқиманда қарзлар 5 миллиард сўмга етди.

Инспекцияда бунинг сабаблари синчиклаб ўрганиб чиқилди. Ташкилотлар хизмат кўрсатишда олдиндан тўлаб бериладиган 15 фоизлик пул ўтказишга эътибор бермаганликлари, қарзларни протокол асосида ёпилиши, векселлар билан ҳисоб-китоб қилишда хатоларга, чалкашликларга йўл қўйилганлиги молиявий аҳволнинг оғирлашишига, боқиманда қарзлар миқдорининг ошиб кетишига асосий сабаб бўлган.

- Кўпгина ташкилот раҳбарлари боқиманда қарзларини ўз вақтида узиш йўлларини изламаяптилар ва биз уларни хўжалик судлари орқали ундириб олишга мажбур бўлмоқдамиз,-дейди ҳуқуқий шахсларни солиққа тортиш бўлимининг бошлиғи Ориф Узоқов. - Сўнгги икки ой давомида вилоят хўжалик судига 146 корхонанинг 2 миллиард 246,6 миллион сўм қарзини ундириб бериш бўйича мурожаат этдик. Уларнинг мол-мулки ким ошди савдоси орқали сотилиб бюджетга туширилмоқда.

Қийинчилик ва муаммолар нималардан иборат? Қандай мулоҳаза, истакларингиз бор, - сўраймиз О.Ражабовдан.

- Улар бир талай ва ҳаммасини баён этиш мушкул албатта. Айримлари тўғрисида гапирадиган бўлсам, аввало маҳаллий солиқларни такомиллаштириш лозим. Уй-жой, ер, транспорт каби солиқларни бирлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман.

Вилоят, шаҳарларда республика ихтиёридаги ташкилотларнинг боқиманда қарзлари ҳақида амалий чоралар кўриш вақти аллақачон келган. Бу масала узил-кесил ҳал этилмас экан, бу борадаги аҳвол ўзгармасдан қолаверади.

Банк муассасаларига тўлов талабномаларининг солиқ ташкилотлари томонидан қўйилиши қонунга зиддир. Нега уларни ташкилотлар қўйишмайди?

Қарзларнинг протокол бўйича ёпилиши маҳаллий бюджетга катта зарар етказади. Биргина бизнинг шаҳримиз шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида бу усулдан 2,5 млрд. сўм зарар кўрди.

Солиқ полициясини тезроқ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу текшириш ишларини тартибга солади, солиқ ходимларига нисбатан бўлаётган тажовузларнинг олдини олади.

Участка инспекторлари ўрнини ташкил этиш тўғрисида анчадан буён гап-сўз бўлаяпти. Бу масалани тезлаштириш керак.

Солиқ ходимларининг маошлари ниҳоятда кам. Нега уларни ички ишларники билан тенглаштириш мумкин эмас.

Менинг назаримда хусусий фирмаларни бироз чегаралаш зарур. Рўйхатдагина бор, на давлатга, на халққа фойдаси тегмайдиган, кундуз куни чироқ ёқиб қидирса ҳам топиб бўлмайдиган фирмаларнинг қандай зарурати бор.

Назорат-касса аппаратлари масаласидаги қийинчиликлар кўпчиликни қийнамоқда. 1-2 киши ишлайдиган, кунлик тушуми кам бўлган сомсахона, сартарошхона, гўшт дўконлари каби шаҳобчалардан 60 минг сўмлик НКМ ўрнатишни талаб қилиш адолатдан эмас.

Ўйлаб қоласан киши, ҳақиқатан ҳам минг ишчига бир бошчи. Масалаларни кўндаланг, дадил ҳал этишда, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, муаммоларни ечиш, жамоани фойдали меҳнатга йўналтиришда раҳбарнинг ўрни ва роли беқиёс.

Хулосага келаман: истеъдоди тариқча, кибр-ҳавоси тоғча қуруқ, тасодифий раҳбарлардан Оллоҳнинг ўзи асрасин.

Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйишининг фазилатига имон келтираман.

Қ.ЭГАМБЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот гуруҳининг раҳбари.

Эл осойишталиги йўлида

Пискент тумани ички ишлар бўлими ходимлари туман ҳудудида эл осойишталигини таъминлаш, намунали жамоат тартибини сақлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, унинг талон-тарож қилинишига йўл қўймаслик, йиғиштирилган ҳосилни нобудгарчиликсиз омборларга топширишда фаол иштирок этишяпти.

Суратда: (чапдан) жиноятларни очишда алоҳида хизмат кўрсатган туман ички ишлар бўлими жиноят-қидирув бўлими тезкор гуруҳ вакиллари Фарҳод Суюнов, милиция майори Эргаш Шерматов ва туман ички ишлар бўлими бошлиғининг муовини, милиция майори Акбарали Мингяшаровлар.

Б.АБДУРАҲМОНОВ суратга олган.

Танлов

«СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?»

Ана шу мавзуда тиббиёт масканлари бошланғич касаба уюшмалари қўмиталари етакчиларининг ўзаро беллашуви Жиззах шаҳрида бўлиб ўтди. Бу ноанъанавий мусобақа ташкилотчиси ва ҳомийси тиббиёт ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар қўмитаси бўлди. Унда шаҳардаги барча тиббий масканлар бошланғич касаба уюшмалари қўмиталарининг раислари иштирок этишди.

Ғоят қизиқарли ўтган бу беллашувда Фахриддин Наъматов, Фурқат Исомов, Собир Миразимовларнинг қўли баланд келиб, фахрли ўринларга сазовор бўлишди. Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

- Беллашувнинг ўзига хослиги шунда бўлдики,- дейди Жиззах шаҳар тиббиёт ходимлари касаба уюшма қўмитаси раиси Анзират Эгамова, - унинг иштирокчилари меҳнат қонунчилигини қай тарзда билиши синовдан ўтиш билан биргаликда, уларнинг ҳуснихатига, бехато ёзишларига, бирор воқеани шарҳлаб беришларига, мақолларни ўз ўрнида ишлата билишларига ҳам алоҳида эътибор берилди ва бу борадаги шартлар беллашувга киритилди. Бундай мусобақалар фақат фойдадан холи бўлмайди, деб ўйлайман.

Абдуманнон АЗИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

Жиноят жазосиз қолмайди

ТЕКИН ТОМОҚ ТЕШИБ ЧИҚДИ

Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди Ўзбекистон республикаси Жиноят Кодексининг 167-моддаси билан айбдор деб топилган Аймбетов Дуйсенбой Бўрибоевичнинг ишини кўриб чиқди.

Судланувчи Д.Б.Аймбетов 1968 йил туғилган. 1991 йилдан Бўзатов туманидаги «Қорақалпоқ» жамоа хўжалигида чўпон бўлиб ишлаган. У 1996-97 йилларда бажариб турган вазифасини суистеъмол этиб, жамоат мулкини талон-тарож қилган. Яъни халқ мулки билан шахсий мулки ўртасидаги тафовутни «англамасдан», 1996 йили иккита сигирни гумдон қилган. Уз «фаолияти»нинг гуллаб-яшнаши учун ҳеч ким халақит бермаётганини кўрган йигитнинг нафси янада ҳақалак отиб, ўғирликни кенг қуламда давом эттирган. Шундай қилиб, текин томоқликнинг обдон ҳадисини олган ўғри чўпон умумий ҳисобда хўжаликка 1 миллион 868 минг 775 сўм моддий зарар етказди. Лекин текин томоқ тешиб чиқди! Ҳақиқат қарор топиб, жиноят жазосиз қолмади. Қорақалпоғистон республикаси Олий суди Д.Б.Аймбетовни 13 йил қамоқ жазосига ҳамда мол-мулкни мусодара этишга ҳукм қилди.

***

Қорақалпоғистон Олий судининг судлов ҳайъати ҳукми билан яна бир текинхўрлар гуруҳи - фуқаро К.Сагинаев, С.Қўшкинбоев, С.Бахитов, Х.Содиқов, Н.Бадилов ва М.Мухторовлар Ўзбекистон Жиноят Кодекси тегишли моддаларига мувофиқ жиноятчи деб топилди ва турли муддатларга озодликдан махрум қилинди.

Судланувчи К.Сагинаев 1996-97 йилларда Қўнғирот ўрмон хўжалиги директори бўлиб ишлаб турган пайтида хизмат лавозимини суистеъмол қилиб хўжаликнинг турли вақтларда бош ҳисобчилари бўлган С.Бахитов, С.Қўшкинбоев, хазиначилар Х.Содиўов, Н.Бадилов ҳамда ўрмон назоратчиси М.Мухторовларга ноқонуний кўрсатмалар бериб, ҳужжатларни қалбакилаштириб, давлатга 103235 сўм моддий зарар етказган.

Гуруҳ раҳбари К.Сагинаев Ўзбекистон республикаси Жиноят кодексининг 167-моддасига биноан 9 йилга озодликдан махрум этилди.

«Қилмиш-қидирмиш» деганлари шу бўлса керак-да!

Абду РАҲМОН,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч» материаллари изидан

«БЕМОРИ ЙЎҚ ШИФОХОНА»

Сурхондарё вилояти Бойсун туман Ҳокимияти «Ишонч» рўзномасининг 1998 йил 19 майдаги «Бемори йўқ шифохона» сарлавҳали мақола юзасидан жиддий текширув олиб борди ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, шифохона фаолиятида йўл қўйилган камчиликларга сабабчи бўлган шахсларнинг иш фаолияти туман соғлиқни сақлаш бўлимида муҳокама қилинди. **Шифохона бўлими бошлиғи Тошмирза Алиқуловга шифохонада беморларга етарли шароит яратмаганлиги, ходимларнинг меҳнат интизомига риоя қилиши устидан назоратни бўшаштириб юборганлиги учун ҳайфсан эълон қилинди.**

Ушбу шифохона бошланғич касаба уюшмаси раиси Бобохон Усмоновнинг иш фаолияти туман соғлиқни сақлаш бўлими ходимлари касаба уюшмаси йиғилишида муҳокама қилинди ва мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

Шифохонанинг хўжалик ишлар бўйича мудири Йўлдош Дуков ўз вазифасига совуққонлик билан қараганлиги, ободончилик ишларига эътибор бермаганлиги ва беморларга зарурий шароит яратмаганлиги учун ўз вазифасидан озод қилинди.

Туман соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи Ж.Назаров, унинг даволаш ишлари бўйича муовини вазифасини бажарувчи Д.Неъматуллаевларнинг иш фаолияти туман хокимлигида кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди. Сайроб қишлоғидаги шифохонага етарли миқдорда ёрдам бермаганлиги, беморлар учун шарт-шароит яратишга доир муаммолар ҳал этилмаганлиги кўрсатилди.

Мақолада қайд этилган камчиликларни зудлик билан 10 кун мобайнида бартараф этиш шахсан бош ҳаким Ж.Назаровга топширилди ҳамда туман Ҳокимиятига ахборот бериш вазифаси юклатилди.

Ҳозирги пайтда шифохонада ободончилик ишлари кучайтирилиб, қаттиқ ва юмшоқ инвентарлар билан етарли миқдорда таъминланди ҳамда беморларга етарли шарт-шароит яратилди.

Т.ҲАМРОЕВ,
Туман Хокими.

Адвокат ва жамият

АДВОКАТ ҲУҚУҚИ

Мамлакатимиз кундан-кунга ривожланиб, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш сари илдам қадамлар билан бормоқда. Давлатимиз томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уни улуғлаш йўлидаги ҳаракатларимизни юзага чиқаришда ҳуқуқ тартибот ходимларининг зиммасига катта вазифа юклатилган. Бу шарафли вазифани адо этишда адвокатларнинг роли катта. Хўш, адвокатлар бугунги кунда янги давр талабларига жавоб бера оладими? Шу масалалар хусусида Республика Касаба уюшмалари федерация Кенгаши меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Ҳамидулла Премқуловга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.

- Бугунги кунда республикамизда адвокатларнинг ўрни қандай?

Ўзбекистон Республикасида олий юридик маълумотга эга бўлган ҳар бир фуқаро Қонундаги кўрсатилган тартибда лицензия олган шахслар адвокат бўлиш ҳуқуқига эга. Адвокатга ваколат берувчи лицензия Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ва вилоятларнинг бошқармалари томонидан берилади. Белгиланган тартибда лаёқатли эмас, деб топилган шахслар ёки лаёқати маълум даражада чегараланган шахслар, шунингдек, судланганлиги олиб ташланмаган шахслар адвокат бўлиб ишлаши мумкин эмас.

Бугунги кунда ҳуқуқий жамият ва демократик давлат қуриш сари борар эканмиз, қонунларнинг ўрни ва унга амал қилишнинг моҳияти янада ошиб бормоқда. Ривожланган хорижий давлатларга назар ташлар эканмиз, унда адвокатларнинг ўрнини кўриш қийин эмас, бизнинг давлатимизда ҳам уларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд. Жумладан, фуқароларимизнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларидан кенгроқ фойдаланишга интилиши сабаб бўлса, иккинчи томондан уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини қонун доирасида чуқур ўзлаштира олмасликлари сабабдир. Буни амалга ошириш учун эса адвокат хизматига зарурият туғилади. Адвокат ўз фаолияти давомида ҳимоясидаги шахснинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи вакилдир. Бунда ҳуқуқнинг қайси йўналишида бўлиши аҳамиятсиз. Яъни дейлик, меҳнат ҳуқуқими, оила ҳуқуқими, мол-мулк ҳуқуқими, маъмурий ҳуқуқми ва шунга ўхшаш бир неча ҳуқуқлар.

- Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда янгича ёндошиш билан иш олиб бораётган адвокатларнинг фаолиятидаги асосий йўналишлар, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доираси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтсангиз.

-Дарҳақиқат, 1996 йил 27 декабрда Олий Мажлис томонидан «Адвокатура ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, амалда жорий қилинганидан кейин адвокатлар фаолиятида жиддий бурилишлар юз берди десак муболаға бўлмайди. Энди саволга бевосита жавоб тариқасида, яъни адвокатнинг ҳуқуқ ва ваколатлари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу юқорида қайд этилган қонуннинг 6-моддасида ўз аксини топган. Унда кўрсатилишича:

адвокат, фуқаро ёки юридик шахснинг топшириғига биноан уларнинг манфаатини барча корхона, ташкилот, муассаса ва органларда ҳимоя қилишга;

маълум фактлар бўйича судда ёки маъмурий органларда ҳимоя учун керакли бўлиши мумкин бўлган ахборотларни тўплашга;

давлат органларидан-корхона, муассаса, ташкилот ва жамоа бирлашмаларидан юридик хизмат кўрсатишга боғлиқ бўлган маълумотномалар, тавсифномалар ва бошқа ҳужжатларни сўрашга ва олишга;

ҳимоясидаги шахснинг розилиги билан экспертлардан, мутахассислардан ёзма хулосалар олишга;

ишни кўраётган давлат органлари ёки судларга тўпланган материалларни тақдим қилишга; мансабдор шахсларга тақдимнома билдириш ва шикоят келтириш ҳамда улардан тегишли жавобларни олишга, қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳаракатларни бажаришга ҳақлидирлар. Адвокат ўз ёрдамчисига эга бўлиши мумкин.

-Яхши маълумки, адвокат аввалам бор қонун ҳимоячилари томонидан айбдор деб тахмин қилинган шахснинг ҳуқуқини ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи вакил ҳисобланади. Демак, у Қонунни, қонун ҳимоячиларига нисбатан чуқурроқ эгаллаган бўлиши, ўзининг касб доирасидаги кенг тажриба мактабига эга бўлиши талаб этилади. Ҳозирги кунда фаолият кўрсатаётган адвокатлар шундай талаб даражасига жавоб бера оладими?

- Тўғриси, «ҳа» деб жавоб бера олмайман. Чунки бугунги кунда кўпгина адвокатларимиз асосан жиноий ёки маъмурий масалалар билан шуғулланишади. Фуқаролик масалаларини чуқур биладиган, ижтимоий меҳнат ҳуқуқи масалалари бўйича малакали адвокатлар мамлакатимиз ҳудудида бармоқ билан санарли. Амалиётда меҳнат масалалари билан судларга мурожаат қилаётганларнинг сони талайгина. Лекин уларнинг ҳуқуқларини тўла ҳимоя қила оладиган малакали адвокатларни учратиш қийин. Кўриб турганингиздек, бу масалада ҳам бироз ожизлик томонларимиз бор.

- Адвокатларнинг ўзларига ижтимоий масалада қандай имтиёзлар белгиланган.

- Адвокатлар давлат ижтимоий суғуртасининг барча турларидан тўлиқ фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар. Давлат ижтимоий суғурта бадалларини тўлаш эса, Вазирлар Маҳкамаси белгилаган тартибда амалга оширилади. 1996 йил 15 июлдаги Вазирлар Маҳкамасининг 250-қарорига биноан, уларга имтиёзли фоиз белгиланган. Яъни, адвокатлар бирлашмалари (адвокатуралар) ижтимоий суғурта фондига иш ҳақи фондидан бор-йўғи 7 фоиз миқдорида бадал тўлайдилар холос. Шунингдек, Адвокатлар бюроси, ҳайъатлари ва фирмалари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжлари сарфланадиган фондлар ташкил қилиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Суҳбатдош:
Дилором КАРИМ қизи,
«Ишонч» мухбири

Биз билан ҳисобланинг

Саволларингизга Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг меҳнат ҳуқуқи Бош нозири Карим МУХТОРОВ жавоб беради

1997 йилнинг май ойида топширилган ишни ўз вақтида бажармаганим учун буйруқ билан менга ҳайфсан эълон қилинган эди.

1998 йилнинг 15 июнь ойи куни икки соат ишга кеч келдим. Сабабини тушунтирсам ҳам мени мунтазам равишда меҳнат вазифани бузган деб ишдан бўшатишмоқчи. Тўғри бўлармикан? Интизомий жазо бериш тартиби тўғрисида маълумот берсангиз.

Холида АЪЗАМОВА,
Тошкент шаҳри.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 181, 182-моддаларида ходимнинг меҳнат интизомини бузганлиги учун ҳайфсан эълон қилиниши, ўртача ойлик иш ҳақининг 20 фоизигача жарима солинишлиги (агар Ички меҳнат тартиби қоидасида кўрсатилган бўлса, 40 фоизгача жарима солиниши), ҳамда меҳнат шартномаси бекор қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилган.

Интизомий жазо чораси қўлланишдан олдин ходимдан тушунтириш хати олиниши керак. Меҳнат интизомини бузган ходим тушунтириш хати беришдан бош тортиши унга интизомий жазо бериш учун тўсиқ бўлмайди ва бу ҳақда уч кишидан кам бўлмаган ходимлар иштирокида далолатнома тузилади.

Ходимга қайси бир интизомий жазо чораси қўллаш кераклигини ходимнинг қилган хатти-ҳаракати, хулқи ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Интизомий жазо чораси ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтини ҳисобга олмасдан ножўя хатти-ҳаракат қилган ёки у аниқланган кундан бошлаб бир ой давомида қўлланиши керак. Узрли сабаблар билан ходим ишда бўлмаганлигини жамлаб ҳисобланганда бу давр ножўя ҳаракат қилгандан бошлаб олти ойдан ортиқ бўлса, ходимга жазо қўллаб бўлмайди.

Интизомий жазо қўлланилганлиги тўғрисидаги буйруқ билан ходим тилхат орқали таништирилиши шарт.

Агарда ходим қўлланилган жазодан норози бўлса, буйруқ билан танишган кунидан бошлаб уч ой муддат ичида ариза билан меҳнат низоларини кўрувчи органга мурожаат қилиши мумкин.

Интизомий жазо, Меҳнат Кодексининг 183-моддасига асосан, қўлланилганидан бошлаб бир йил давомида ўз кучини сақлаб қолади. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазо олмаса, у интизомий жазога тортилмаган ҳисобланади.

Иш берувчи ходимга интизомий жазо беришда меҳнат қонунчилигига тўлиқ риоя қилиши керак. Агар бирорта хатоликка йўл қўйилса, интизомий жазо бериш тўғрисидаги буйруқ меҳнат низоларини кўрувчи ёки ваколатли органлар томонидан бекор қилинади. Шу сабабли бу органлар ходимни меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузган деб (МКнинг 100-моддаси, II-бўлим, 3-банди) ишдан бўшатилганидан норози бўлиб ёзган аризасини кўраётганида албатта олдинги интизомий жазо бериш тўғрисидаги буйруқни чиқаришда қонун талабларига риоя қилинганми ёки йўқми, шунга аҳамият беришади.

Кўрсатиб ўтилганлардан маълум бўлдики, иш берувчи Сизни меҳнат вазифаларини мунтазам равишда бузган деб ишдан бўшатишга ҳуқуқли эмас. Чунки Сизга интизомий жазо берилганидан бошлаб бир йилдан ортиқ вақт ўтган.

* * *

Туман касалхонасида ўн тўрт йилдан буён шифокор бўлиб ишлайман. Бош шифокор мен билан ёзма равишда бир йилга шартнома тузмоқчи. Шу тўғри бўладими?

Севара АЛМАТОВА,
Фарғона.

1995 йилнинг 21 декабрида қабул қилинган ва 1996 йилнинг 1 апрелидан амалга киритилган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодексига иш берувчининг муддатли меҳнат шартномасини тузиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги 76-моддаси киритилган. Бу моддада муддатли меҳнат шартномалари (беш йилгача бўлган муайян ишни бажариш вақтига мўлжаллаб тузилган бажарилажак ишнинг хусусиятлари, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда номуайян (муддатсиз) муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда тузилиши кўрсатиб ўтилган.

Шу Кодекснинг 5-моддасига мувофиқ меҳнат ҳақидаги келишувлар ва шартномалар ходимлар аҳволини меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилганига қараганда ёмонлаштирадиган шартлари ҳақиқий ҳисобланмайди.

Меҳнат Кодексининг 74-моддасига асосан меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан 6 январь 1994 йилда қабул қилинган 1/1, 30/22 сонли қарорида (Ўзбекистон МККга 3.12.93 йилда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган) иш берувчи ва ходим ўртасидаги меҳнат шартномаси 3.12.93 йилдан бошлаб фақат ёзма равишда тузилиши ва 03.12.93 йилгача тузилган меҳнат шартномалари фақат ходимнинг илтимосига мувофиқ унинг розилиги билан ёзма равишда қайта тузилиши мумкинлиги қайд қилинган.

Шу сабабли, кўрсатиб ўтилган қонун талабларига амал қилмаган ҳолда иш берувчи Сиз билан ёзма равишда муддатли меҳнат шартномаси тузса, у ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Бу масала Сизнинг аризангиз асосида меҳнат низоларини кўрувчи комиссия ёки суд томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Бундай қонунбузарчиликнинг олдини олиш ҳар бир касаба уюшма қўмитасининг муқаддас бурчидир.

ЛОЙДАН ЯСАЛГАН ӨШИҚ

(Қадимги ва бугунги эртак)

Сафар БАРНОЕВ

Бу рўйи-заминда биздан олдин ҳам шакли - шамоили бизга ўхшаган, феъли-атвори ҳар хил одамлар яшаган экан. Бирининг кўнгли тор экан, бириники кенг экан. Бириси ёқа бўлса, бириси енг экан. Хуллас, қўйингки, кўриб турган қусурларимиз уларда ҳам бор экан. Бўлганда ҳам бисёр экан. Томошабини тайёрдан тайёр экан. Ана шундай эканлаб турганимда болам сен айтмоқчи бўлган эртак мана бундай бошланади деб эртакчи момом сўзни илиб кетдилар.

— Бор экану йўқ экан, - момом шундай деб рўмолини тўғрилаб, энг яхши сўзларни яхшилар хазинасидан «ўгирлаб» менга қараб ўйга чўмдилар, ёмонликни етти қават ер қаърига кўмдилар. — Болам эшит, бу дунёнинг кўтир экан, ёмонларнинг чап юзи чўтир экан. Ўғли борнинг нори бор экан. Қизи борнинг нози бор экан, қарнайчининг сози бор экан. Ўшанда ҳам яхши қайноналар оз экан. Кимга қишу, кимга ёз экан.

Бир замонлар ота-онанинг ёлғиз ўғли бор экан. Кунлар ўтиб ўғлининг бўйи етибди. Иягига соқол битибди. Она келин кўриш нияти билан эртаю кеч ёнибди. Кеч ётиб эрта уйғонибди. Маҳалла қизлари бир ёқда қолиб, қуни-қўшни гузарда яшаётган қизларнинг ҳам йўлини пойлабди, аммо бирортасини ҳам хуш кўрмабди. Шу зайлда кун ўтибди. Тун ўтибди. Аммо ўғли севгани борлигини сир тутибди, ҳар оқшом дастурхон ёзилиши билан она гап халтасини очиб эрига ташланибди, орада сану ман бошланибди.

— Оёғимда оёқ қолмади. Сизнинг эса парвойингиз палак. Хотин, нима бўлди деб сўрашни ҳам билмайсиз, — дебди хотини.

— Хўш, нима қилай, — дебди эри, — бормаган эшигинг, кирмаган тешигинг қолмабди, бирор оғиз ўғлингдан ҳам сўра, балки кўз остига олиб қўйгани бордир.

Отасидан бу сўзни эшитган ўғлининг танасига нур югурибди. Бошини хам қилганича отам нима дер эканлар қабилида жим турабериби. Аслида эса ўғлининг ўз севгани, ахду паймон қилгани бор экан. Бу сўзни эшитишга зор экан. Ўғли секин ер остидан онасига тикилибди. Онасининг ранги ўзгарибди. Ўтирган жойидан шашт билан қўзғалибди.

— Келинни мен танлайман, — дебди у, — шундай бир хонадонга қуда бўлайки, бутун бошли туманнинг оғзи ланг очилиб қолсин.

— Кўрпангга қараб оёқ узат, — дебди эри, — келинни ман-манлик учун оладимми?! Бу ҳолда юраверсанг, ўғлинг бир ёшга бориб қолади. Қизлар бўлса турмушга чиқиб кетаверади.

Она яна бир ой, ярим ой қизи бор хонадонларга кириб чиқибди. Охир-оқибат тинкаси қуриб, оқшом кўрпасига чўкибди.

— Ўғлим, — дебди зўрга тили айланиб, — ўлсам ўлиб бўлдим. Топганинг бўлса айтақол.

— Ҳа, ана ўзингга келдинг, — дебди эри, — бундоқ инон-ихтиёрни ўғлингга ҳам бер. Ўзи бу орада тузук одам борлигига ҳам ишонмай қолдим.

Чунки хотини қайси хонадонга борса, албатта гап топиб келар экан. Ё уйи ёқмас экан. Ё отаси. Бирини банги, деса, иккинчисини мейров дер экан.

Онаси қисди-бастига олгач, ўғли кўнгилдагини айтибди.

— Қўшнимизнинг қизиними? — сўрабди онаси.

— Яхшида, — дебди эри, — яхши қиз маҳалланики деганлар.

Алқисса рози-ризолик бўлиб, тўй бошланибди. Мис қозонда ош дамланибди. Қуни-қўшни қудачилик — минг йилчилик деб аҳд қилибди.

Момом ана шу ерга келганда бирдан ҳўшёр тортди.

— Болам, эртагимнинг учини йўқотиб қўйибман.

— Айтаверинг, қадимдан бошлаб, бу кунларга қайтаверинг, — дедим.

— Унда айтганим бўлсин, гап эгасини топади, деб қайтганим бўлсин, — деди момом.

Шундай қилиб, келин тушган кундан бошлаб, йигитнинг онаси, ҳақиқий қайнона бўлгиси келибди. Қават-қават кўрпача тўшаб, уйнинг тўрида ўтириб олибди. Келин чой узатса, нега таъзим қилмадинг деб жеркибди. Ошхонага кирадиган бўлса, ундан олдин кирибди. Гўшти, ёғини ўлчаб берибди.

Келин индамай жим юрибди. Келиннинг жим юрганини кўрган қайнона бир куни ўғлига ташланибди.

— Сенга она эмас, хотин керак. Онажон аҳволингиз не деб бир оғиз сўрамайсан.

— Мана сўрадим, — дебди ўғил.

— Унда қулоқ сол, — дебди онаси ёнатрофига назар ташлаб, кўзини ёшлаб. — Хотининг мени суймас экан. Ўзиям еб тўймас экан.

Ўғли шу кундан бошлаб хотинини кузата бошлабди. Қараса, эрта-ю кеч хотининг лунжи қимирлар эмиш. Ахийри онамнинг гапи тўғрига ўхшайди, — деган қарорга келибди. Ундан қутулиш йўлини излабди. Ўйлай-ўйлай ана бундай чора топибди.

Хотинини бир чўлу биёбонга олиб бориб ташлабди.

— Моможон, — дедим худди шу ерга келганда, — эртагингиз ярми афсонаю, ярим чинга ўхшаб қолди. Қизини чўлу биёбонга олиб бориб ташлаб келадию, унинг ота-онаси индамай турaверадими, бунинг устига қўшниси бўлса.

— Эртакни ҳам чалкаштириб юбординг, — деди момом, — олдин бердисини эшит. Сенга қолса ҳозир мен қуда-ларни ҳам уриштириб қўйишим керак. Қиз бола дегани борган жойида тош қотиши керак. Қўшниси бўлса нима қиларди. У бечоралар ҳам чидаганда. Ҳаҳ, эсим курсин қаерга келгандим?

— Чўлу биёбонга.

— Орадан ой, йиллар ўтибди. Ўғли бир куни ақли-ҳушини йиғиб хотинидан хабар олишга қарор қилибди. Нима бўлса ҳам севганим, илк кўз очиб кўрганим, — дебди.

Қайнона бу ёқда турaверсину, гапнинг бу ёғини эшит. Йигит йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди. Уша чўлу биёбонга етибди. Ҳаво иссиқдан-иссиқ экан. Чарчаб, чанқаб толиқибди. Кўзига узоқдан бир чайла кўринибди. У чайлани мўлжалга олиб, ҳолдан тойиб, ахийри чайлага етиб олибди. Чайланинг ичига кирса, ҳеч ким йўқ эмиш. Фақат хас-хашак уюми бор эмиш. Йигит ана шу хас-хашак устига чўзилибди. Чўзилибди-ю, уйқуга кетибди. Анча аъзойбадани ором олгач, қулоғига қадам товуши эшитилибди. У бошини кўтарибди. Қараса чайла томон бир нозанин аёл келаётганмиш. Йигит ўрнидан туриб, бу ким бўлди экан? деб тикилибди. Жулдур кийинган, ҳаракатлари назокатли аёл яқинлашган сари унинг юраги дук-дук ура бошлабди. Ё тавба дебди ичида наҳотки...

Аёл йигит билан юзма-юз бўлгач, йигит аниқ танибди. Ўз хотини эканига энди шубҳа қолмабди. Ўз навбатида аёл ҳам эрини танибди. Бир-бирига боққанча қотиб қолишибди.

Йигит ўз ҳунаридан пушаймон бўлибди. Кўзлари жиққа ёш бўлиб, хотинига нима дейишини билолмабди.

— Тирикмидинг? — зўрға сўрабди у.

Аслида чўлу биёбонга олиб бориб ташласам, парранда-ю даррандаларга ем бўлади. Бора-бора унутилади, деб ўйлаган экан.

— Кўрганингиздек, — дебди аёл қувноқ, жарангли овоз билан.

Йигит ҳайратини яширолмай хотининг бўйи-бастига суқланиб қарабди. Хотининг кўзлари яшнаб турар, иккала юзидан нур таралар, тўлишиб, ёшариб кетган эмиш. Йигит довдираб қолиб сўрабди:

— Бу ерда қандай тирикчилик қилаяпсан?

— Сиз ташлаб кетган кундан бошлаб, — ўз ҳикоясини бошлабди хотини, — мана шу чўлу биёбонда ўт-ўлан териб тирикчилик қилаяпман. Кўриб турганингиздек чайлаи-саройимни ўзим тикладим. Ҳар ҳолда бошпанасиз қолмадим.

Йигитнинг кўзига эртаклардаги сарой кўриниб кетибди. Ҳайратдан гангиб қолибди.

— Бепоён саҳрода ўт-ўлан еб тирикчилик қилдим дейсан, икки юзинг қўй гўшти егандек қип-қизил-ку?!

Хотини қошларини сузибди. Бурунгидек эркаланиб, товланиб ноз билан жавоб қайтарибди.

— Юзимнинг қип-қизиллиги рўзғорим бут, ғам-қайғу унут, — дебди.

Бу жавобдан йигитнинг боши айланиб, кўз олди хиралашиб бот сўрабди.

— Қанақа рўзғор?

— Эрим бўлгач, рўзғорим ҳам бўладида ахир. Қачонгача боши очиқ яшайман.

Йигитнинг кўзи қонга тўлиб, муштлари ўз-ўзидан тугилибди.

— Қанақа эр? Чўлда ҳам эр бўларканми? Кўрсат, қани ўша эринг?

Хотини уни чайла ичига бошлаб хасхашакни бир ёнга сурибди.

— Мана менинг эрим, — дебди.

Чайла бурчагида лойдан ясалган йигит турар экан.

Эри бирдан ҳушёр тортибди. Бечора хотиним ёлғиз яшайвериб ақлдан озибди деган ўйга борибди. Кўнглидан ўтганини хотинига сездирмай сўрабди.

— Эринг лойдан ясалган-ку!

— Ҳа, лойдан ясадим, — дебди хотини. — Сиз-ку худонинг яратган бандаси мендек жуфти ҳалолингиз дардига қулоқ солмадингиз. Мен эса сизга айтолмаган дардларимни мана шунга айтиб юрагимни бўшатдим. Ана шу вафодор ёрим менинг дардимга малҳам бўлди, қулоқ солди. Сизни соғиндим, фарзандларимни соғиндим. Соғинч алами оғир бўлади. Юрагимдаги аламларимни олиб менга сабр қаноат бағишлади. Эрнинг қанақа бўлишини ана шунда билдим. Ахир бу дунёда кимдир сенинг дардкашинг бўлиши керак-ку.

Йигит у билан яшаган кунларини хотирлабди. Хотини билан бир ёстиққа бош қўйган кундан бошлаб то уни чўлу биёбонга ташлаб кетган кунгача кимсан деб сўрамаганига тоза пушаймон бўлибди. Талмовсираб хотинига илтижо билан нигоҳ ташлабди.

— Ўтган гап ўтди. Мана соғ-омон экансан. Ярам битди. Энди бир нарсани менга айтиб бер. Доим лунжингда бир нимадир бўларди. Айт-чи, овқатга шунчалик ўчмидинг.

Хотини хандон отиб кулибди.

— Опайиз ҳадеб тергайвергач, овқат ейиш ўрнига бир дона туршакни оғзимга солиб олардим. Эртадан кечгача ана ўшани сўриб юраверардим.

Йигит бу сирдан ҳам огоҳ бўлгач, хотинига юзланиб:

— Бўлди хотин. Фақат онамда эмас, менда ҳам айб бор экан. Энди у кунларни унут. Юр, кетайлик, — дебди.

— Кетмайман, — дебди хотини.

— Нега? — сўрабди эри.

— Энди менинг дардимга малҳам бўладиган ҳақиқий эрим бор. Уни ташлаб қаёққа бораман.

Йигит жаҳл отига минибди. Илондай тўлғанибди. Ханжарини олиб лой одамнинг кўкрагига санчибди. У ханжар урган жойдан отилиб сап-сариқ зардоб оқа бошлабди. Буни кўрган йигит ҳайратга тушибди.

— Кўрдийизми, — дебди хотини, — ана шу оқаётган зардоб менинг бошимга тушган ғаму аламларим. Узун кечалари ўзим ясаган лой эримга айтиб-айтиб, юрагимни бўшатдим. У ҳам дардимга малҳам бўлди.

Момом бир ҳўплам чойни қулт этиб ютгач:

— Кейин нима бўлди? — деб сўрадим.

— Нима бўларди, — деди эртакчи момом, — чўлу биёбонда лойдан ясалган ошиқ қолаверибди. Йигит ўз ёрини етаклаб ҳақиқий хонадони сари келаверибди. Билган буни билаверибди. Билмаган, эртакчи момонг устидан кулаверибди...

Президент фармонлари амалда

МАСЪУЛИЯТ ОШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг бажарилиши бўйича Фарғона вилоятида ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Вилоятдаги барча шаҳар, туманлардаги фуқаролар йиғинлари ҳудудларида, маҳаллаларда, ташкилот ва корхоналарда тушунтириш ишлари олиб бориляпти.

Давлат санитария назорати томонидан барча объектлар қаттиқ назорат остига олинганлиги, мунтазам текширишлар ўтказилаётганлиги айни муддао бўлди.

Март-апрель ойларида санитария талаб ва қоидаларига жавоб бермаган 539 объектнинг иш фаолияти тўхтатилди.

Вилоят санитария-эпидемиология станцияси мутахассислари томонидан Қўқон шаҳри, Риштон, Учқўприк, Бувайда, Ёзёвон туманларидаги Санэпидемстанцияларининг иш фаолияти ўрганилиб, уларга амалий ёрдам кўрсатилди.

Вилоят прокуратураси ва вилоят ички ишлар бошқармасининг санитария милицияси ходимлари билан биргаликда Фарғона ва Қўқон шаҳарларида эпидемиологик аҳамиятга эга бўлган объектларнинг (деҳқон бозорлари, сут комбинатлари, қандолат ишлаб чиқариш цехлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар ва савдо, умумий овқатланиш шаҳобчалари, шунингдек қўшма корхоналарнинг) иш фаолияти текшириб чиқилиб, май ойининг ўтган даврида санитария қонунларини бузганликлари учун вилоят Санэпидстанцияси ходимлари томонидан 28 та мансабдор шахсларга нисбатан жарима қўлланилди, 9 та объектнинг фаолияти тўхтатилди.

Вирусли гепатит касалликларига қарши кураш ҳамда ёш авлод ўртасида вирусли гепатитнинг оғир тури бўлган «В» турига қарши эмлаш ишларини ташкил этиш мақсадида Қўқон ва Фарғона шаҳарларида «профилактик эмлов марказлари» ташкил этилди.

- Республика Президентининг «Санитария қонунларини бузганлиги учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги фармонини туманимиз давлат санитария ва эпидемиология ходимлари ҳам зўр қизиқиш билан кутиб олдилар,-дейди, Бешариқ туман давлат санитария эпидемиология станцияси бош санитария врачи Э. Бегматов. - Бу фармон санитария назорати ходимларини тозалик-ободончилик бўйича жавобгарликни ошириш билан бирга вилоят аҳолисини санитария, овқатдан заҳарланиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш учун энг долзарб вазифалардан биридир. Бу фармоннинг аввалги санитария қонунларидан фарқи шундаки, санитария қоидаларини ва ишларини юргизишга ҳар қандай тўсиқларга чек қўйилди. Туманимиз аҳолиси орасида юқумли сариқ касаллиги кескин камайди. Олиб борилган чора-тадбирларимиз туфайли бу касалликни кескин камайтиришга эришдик.

- Президентимизнинг фармонидан сўнг жойларда давлат санитария назорати фаолияти анчагина ошди,-дейди Бувайда туман давлат санитария эпидемиология станцияси бош санитария врачи Х. Тешабоев. Туманда фаоллар йиғилиши ўтказилиб, жойларда ободонлаштириш ишларини кучайтириш, санитария қонунларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида батафсил гапириб берилди. Жойларда ободонлаштириш ишларини назорат қилиш мақсадида туман ҳокимлиги қошида гуруҳ тузилиб, қаттиқ назорат қилиб борилди. Бунинг оқибатида туманда бир қанча ишлар амалга оширилди. Туманимиз Республикада экологик муҳит тозалиги ва ободонлаштириш ишлари бўйича биринчи ўринни эгаллади. Ҳозирги кунда туманда 608 та объектлар, яъни 133 та коммунал-маиший объектлар, 106 та болалар ва ўсмирлар муассасалари, 45 та ишлаб чиқариш ва саноат объектлари, 319 та савдо, озиқ-овқат ишлаб чиқариш объектлари устидан давлат санитария назоратини олиб бораяпмиз. Деҳқон бозори ва унинг филиаллари мунтазам назоратга олинган.

Шу йилнинг ўтган даврида 85 нафар жавобгар шахсларга нисбатан жами 59875 сўм миқдорида жарима солинди. Шу кунларда вилоятнинг қайси шаҳар ва туманларида бўлманг бозорлар, озиқ-овқат дўконларида санитария қонунларининг бузилишига чек қўйилмоқда. Барча ташкилот корхона раҳбарларининг ўз ишига маъсулияти кун сайин ошиб боряпти.

Аҳмаджон ТЎХТАСИНОВ,
«Ишонч» мухбири.

Қувасой шаҳри Фарғона вилоятининг саноати ривожланган шаҳарларидан биридир. Айни кунда бу ерда турли миллат вакиллари яшаб ишлаётир.

Қувасойликлар санъатни ҳам қадрлашади. Биринчи марказлашган маданият Уйида 4 та халқ ансамблининг фаолият кўрсатаётганлиги ҳам фикримиз далилидир. Қувасой ашула ва рақс халқ дастаси, Рус фахрийлар халқ хори, «Тиканак» халқ театри, «Оқчечаклар» бошқирд-татар фолклор халқ ансамбларини бугун нафақат водийда, балки қўшни Қирғизистон республикасининг Ош вилоятидаги завод фабрикалар ишчилари, дала меҳнаткашлари ҳам яхши билишади. Чунки халқ ансамблари ўзларининг кўп вақтини меҳнат жамоаларида ўтказадилар.

Суратда: Ашула ва рақс дастаси иштирокчилари.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ижтимоий ҳимоя

КАСБИЛИК МАТБААЧИЛАР

Бундан бир неча йил муқаддам туман босмахонасига тажрибали журналист Ўктам Сиддиқов директор этиб тайинланди. Ҳам журналистик, ҳам матбаачилик тажрибасига эга бўлган ёш, ташкилотчи раҳбар, аввало жамоада соғлом муҳитни яратишга ҳаракат қилди. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада, суръат ва сифат самарадорлиги оширилди.

- Биргина шу йилнинг 5 ойи даврида 1 миллион 450 минг сўмлик иш бажарилди. Ишчиларимизга 222 минг сўмлик мукофот ва моддий ёрдам берилди. Ҳар хил иш қоғозлари ўз вақтида, сифатли тайёрланаётганлигидан буюртмачилар мамнун,-дейди Ўктам Сиддиқов,- саҳифаловчи Ҳафиза Кароматова, ҳарф терувчилар Сайёра Ҳайдарова, Маъмура Бобоева босма цехи бошлиғи Мусо Султоновлар жамоа фахри ҳисобланишади.

Туман ижтимоий-сиёсий газетаси «Садоқат» 27 йилдан буён шу босмахонада чоп этилаяпти.

- Газетамиз 2 мингдан зиёд нусхада чоп этилаяпти,- дейди «Садоқат» газетасининг муҳаррири Жўра Юсупов,- Тажрибали журналистлар Муҳиддин Жўраев, Файзулла Ҳожиев, Шариф Хасанов, Аҳмад Мираковлар ҳар бир мақола, хабар, лавҳаларни ўқимишли, мазмунли бўлишини таъминлашаяпти. 50 нафардан ортиқ жамоатчи мухбирларимиз фаоллик кўрсатишаяпти. Ишчи-хизматчилар ҳар чоракда, байрамларда ойлик маошга қўшимча мукофот пуллари билан тақдирланишади. Улар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб борилаяпти.

Абдулла АЙИЗОВ,
«Ишонч» мухбири.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

Алматида Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Хитой ва Россия давлат раҳбарларининг (Россиядан Е.Примаков қатнашди) учрашувида бу давлатлар ўртасидаги чегаралар хусусидаги муаммолар, минтақа хавфсизлиги масалалари муҳокама этилди. Президент Н.Назарбоев Ҳиндистон ва Покистоннинг ядро қуроли синовини ўтказганлигидан ҳамда Афғонистондаги воқеалар минтақа хавфсизлигига салбий таъсир ўтказишига таассуф билдирган бўлса, Хитой унинг мамлакати ядровий қуролларини бошқалардан аввал қўлламаслигини айтди.

***

Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев Алматида Россия ташқи ишлар вазири Е.Примаков билан учрашган. Улар МДҲ давлатларидаги аҳвол, иккала мамлакат ўртасидаги алоқа, шунингдек Н.Назарбоевнинг 6-7 июль кунлари Москвада Россия Президенти Б.Ельцин билан бўладиган навбатдан ташқари учрашувлари масалаларини муҳокама қилишган.

***

Қирғизистонда йўқолган МИГ-8 вертолётининг синган бўлаклари топилган. Олинган маълумотларга қараганда ундаги 16 кишидан биронтаси ҳам тирик қолмаган бўлиб, улар асосан «Қирғиз энерго»нинг ходимлари бўлган.

***

Тожик жангариларидан яна 308 киши Афғонистондан ўз Ватанларига қайтиб келишган. Улар қурол-яроқсиз ҳолда БМТнинг ва бошқа халқаро ташкилотлар вакилларининг кузатувида дастлаб қўйи Панжга келтирилганлар. Бу ердан ўз уйларига тарқаладилар.

***

Туркманистон ҳудудига яқинда оғирлиги 300 килограммга яқин метеорит тушган эди. Республика олимларидан бир гуруҳи бу метеоритга ўз номини беришга рухсат сўраб Президент С.Ниёзовга мурожаат қилганлар.

Касаба уюшмалари спорти

СПОРТ ВА САЛОМАТЛИК

Оммавий жисмоний тарбияни жорий этиш турли касалликларнинг олдини олиш, саломатликни ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг энг самарали йўлларидан биридир. Болаларни жисмоний тарбиялаш уларда интизом, ирода, уюшқоқлик, меҳнатсеварлик, юксак аҳлоқий фазилатлар шаклланишига ёрдам беради. Ҳақиқатан ҳам, ёш организм соғломлаштириш тадбирларига осон бўйсунади. Жисмоний машқларнинг эса соғлиқ учун фойдаси катта. Бу иш ёшлар турмуш тарзининг ажралмас қисмига айланиши лозим. Ҳозирги кунда республикамизда фаолият кўрсатаётган спорт мактаблари ҳам ана шу масалаларга жиддий эътибор берган ҳолда иш юритмоқда. Мухбиримиз Республика касаба уюшмалари «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамияти қошидаги Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти енгил атлетика мактаби директори Клара ШОКИРЖОНОВА билан шулар хусусида суҳбатда бўлди.

- Клара опа, мактабингиз тарихи ҳақида гапириб берсангиз.

- Илгари «Буревестник» жамияти фаолият кўрсатарди. Унинг аъзолари асосан талабалар эди. 1987 йил июлдан «Умид» клуби қошида РБЎОЎСМ ташкил қилинди. Ўша вақтда мактабда 29 мураббий фаолият кўрсатарди. Йилдан-йилга мураббийлар сафи тўлиб борди. Тарбияланувчиларимизга келсак, Оксана Яригина жаҳон чемпионатининг кумуш медаль совриндори. Головизна Ирина бир неча бор Европа чемпиони, Рейх Дмитрий собиқ иттифоқ чемпиони, Парфёнов Владимир МДҲ мусобақасида 2-ўрин соҳиби. Бу рақамларни яна ҳам кўп айтиш мумкин. Мактабимиз 1991 йилда ўтган СССР болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари финал мусобақаларида 420 та мактаб орасида 6-ўринни эгаллади. 1997 йилнинг асосий мусобақалари Алматидаги 2-Марказий Осиё ўйинлари бўлди. Мазкур мусобақаларда мактабимиздан 11 киши қатнашиб, яхши натижаларга эришдилар.

- Мустақиллик бу мактабга нима берди?

- Мамлакатимиз мустақил бўлганидан кейин ҳам жисмоний, ҳам маънан соғлом авлодни тарбиялаш учун қатор ишлар қилинди. «Жисмоний тарбия ва спорт ҳақида»ги Қонун, «Соғлом авлод учун» Давлат дастури қабул қилиниши фикримизнинг далилидир. Мазкур ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича амалий чоралар белгиладик. Асосий эътиборни маҳаллий кадрларни кўпроқ жалб этишга қаратдик. Республиканинг турли вилоят ва шаҳарлари Шаҳрисабз, Бухоро, Қўқон, Андижон, Яйпан, Данғара, Қувасой шаҳарларидан мураббийларни таклиф қилдик. Ҳозирда Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон вакилларини ҳам ишга жалб қилиш ниятидамиз.

- Бугунги кунда мактаб олдида қандай вазифалар турибди?

- Мактабнинг энг асосий вазифаси соғлом авлодни тарбиялаш. Ишимиз асосан тўрт йўналишдан иборат: спорт кўрсаткичлари, соғломлаштириш, таълим ва тарбия.

Енгил атлетика спорт «қироличаси» ҳисобланади. У спортнинг ҳар бир турининг асосини ташкил қилади. Шу билан бирга у ақлий соғломлаштириш учун кўп харажат талаб қилмайдиган спорт туридир. У меҳнатсеварлик, иродалилик, ўз нуқтаи назарини, фикрини қатъий ҳимоя қилиш каби хислатларни тарбиялайди. Нафақат рақибни, балки аввало ўз-ўзини енгишга ўргатади. Бу эса шахс камолотида муҳим омилдир.

Енгил атлетикада муваффақият осонликча қўлга киритилмайди. Бунда таълим-тарбия, соғломлаштиришни баб-баравар олиб бориш лозим. Фақат тинимсиз меҳнатгина ўз самарасини беради.

- Ҳозирда енгил атлетика олдида қандай муаммолар мавжуд?

- Малакали мураббийларнинг камлиги, моддий-техник базаси ва спорт жиҳозларининг етишмаслиги муаммоси бизни қийнаб келмоқда. Лекин бу муаммоларни ҳал қилиш учун тинимсиз иш олиб боряпмиз. Иқтидорли талабаларимизни Республика олимпия ўринбосарлари билим юрти, Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти, Республика Олий спорт маҳорати мактабига малака ошириш, мураббийлик касби сирларини ўрганиш учун юборяпмиз. Жойларда турли тадбирлар ўтказаяпмиз.

Бугунги кунга келиб Республикамизнинг қатор шаҳарларида мактабнинг 37 та гуруҳида 23 нафар мураббий раҳбарлигида 400 га яқин болалар ва ўсмирлар енгил атлетика билан шуғулланмоқдалар. 9 талабамиз Республика терма жамоасининг асосий таркибига 15 нафари эса ўринбосарлар таркибига кирган. Барча Республика мусобақаларида, халқаро мусобақаларда қатнашиб, совринли ўринларни эгаллаб келишяпти. Қатор тингловчиларимиз Республика чемпиони Отабек Эгамбердиев, 2-Марказий Осиё ўйинлари ғолиблари Олег Норматов, Ольга Штрунова, Екатерина Кремлева, Фарид Хамитовлар Республика олимпия ўринбосарлари билим юртида ўқишяпти. Бир неча спортчиларимиз Москвада ўтадиган I Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларига тайёргарлик кўришяпти.

- Ўқувчиларимизга яна нималар айтишни хоҳлардингиз?

- Мен доимо бир нарсани таъкидлайман. Фарзандларимиз саломатлиги биз ота-оналарнинг қўлимизда. Истардимки, ота-оналар шуни ёдда тутишса: ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин, аммо соғлиқни сотиб олиб бўлмайди. Спорт эса соғлиқ манбаидир.

Доннёр ЮСУПОВ,
суҳбатлашди.

Бош муҳаррир ўринбосари: Чори ЛАТИПОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тиҳорат ва ҳуқуқ -56-85-66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01, Намангада - 6-22-10, Самарқандда - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43, Урганчда - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
Таҳририятимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. ІВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.
Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г— 0182. Нусхаси — 15.368. Масъул навбатчи: Улуғбек ҚУРБОН 123456